

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

ЯНГИ ЕР
(ШОҲИ СУЗАНА)

Комедия
4 парда, эпилоги билан

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Деҳқонбой — комсомол, фронтвик.
Холнисо — унинг онаси.
Омон — Деҳқонбойнинг укаси.
Ҳафиза — комсомол, Деҳқонбойнинг қайлиғи.
Ҳамробуви — Ҳафизанинг онаси.
Мавлон — Ҳамробувининг укаси, бригадир.
Раҳимжон — колхоз раиси.
Одилов — колхоз партия ташкилотининг секретари.
Қўзиев — комсомол, фронтвик.
Салтанат — колхоз правлениесининг секретари.
Эрмат — самоварчи.

БИРИНЧИ ПАРДА

Пастаккина девор сахнани иккига бўлган. Бир томонда Холнисонинг, иккинчи томонда Ҳамробувиининг ҳовлиси. Уртада эшикча. Ҳафиза ўз уйи деразаси олдида хат ёзиб ўтирибди.

Товуш (*кўчадан*). Ҳафиза! Деҳқонбой! Мажлисга.

Уйдан Ҳафиза югуриб чиқади.

Ҳафиза (*девор оша кўчага томон*). Ҳали эрта-ку!..
Ҳозир борамиз!..

Холнисонинг уйдан Омон чиқади.

Омон. Ҳафизахон опа, акам соқол олаётibdилар. Агар бемалол бўлса, бирпас кутар эмишсиз... Эрталаб соқол олган эдилар, ҳали ўсгани йўғ-у, яна қиртишлаётibdилар. Нега бунақа қиладилар-а, Ҳафизахон опа?
Ҳафиза. Соқолинг чиққанда биласан, ҳали гўдаксан.

Омон. Мен-а? Мен гўдакми? Гўдак бўлсам нега комсомолга олдиларинг? Сизни қарангу! (*Керилиб.*)
Комсомол мажлисига кетаётibман.

Ҳафиза. Омонхон! Ҳали мажлисга бир соат бор-ку!

Омон (*насиҳатомуз*). Комсомол мажлисига кечикмайин деган одам олдин боради. (*Велосипедини етаклаб чиқиб кетади.*)

Деҳқонбой соқол олганидан кейин ювингани чиқади.

Ҳафиза. Деҳқонбой ака! (*Кўлидаги қоғозини кўрсатиб.*) Мана, мана шундоқ бошладим: «Биз комсомолларнинг Мирзачўлга юриши тўғрисида комсомол съездининг чақирғини маъқуллаб...» Мана, ўқинг!

Деҳқонбой (*хатга кўз югуртириб*). Жуда яхши! Биласизми, Ҳафизахон, Мавлон акага ҳавасим келади. Хўб тоғангиз бор-да! Ажойиб пахтакор! Жияни ўзидан ҳам яхши!

Ҳафиза. Жияни тоғасига етгунча ҳали кўп қовун пишиғи бор. Қишлоғимиздан биринчи бўлиб Мирзачўлга кетган киши!..

Деҳқонбой. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам юрагида ўти бор. Ёшларга ибрат бўлди. Мана энди биз ҳам тоғангиздан ибрат олиб Мирзачўлга борамиз!..

Ҳафиза. Секин... Мажлис ўтгунча аям билмасинлар.

Деҳқонбой. Нима, Мирзачўлга боришингизга қарши бўлармикинлар? Борсангиз тоғангизнинг олдига борасиз-да. Лекин ҳали мен ҳам аямга айтганимча йўқ.

Ҳамробуви айвонга чиқади.

Ҳафиза. Холнисо холамини-ку йўлга солиш жўн, лекин менинг аям... дод солиб мажлисга боришдан ҳам тоймайдилар.

Ҳамробуви. Қизим, нима деяпсан, менинг тўғримда гапираётибсанми?

Ҳафиза (*шошиб қолади, Деҳқонбойга*). Ана...

Деҳқонбой. Салом, Ҳамробуви хола, яхшимисиз?

Ҳамробуви. Шукур, болам, яхшиликка хўп яхшиман-ку, бемаврид қариганимга ҳафа бўламан-да! Қариганингдан кейин мана бунақа бўлар экан, ёшлар бир чеккага суриб қўйишар экан...

Деҳқонбой (*хавотир олиб*). Нега?.. Нима бўлди?

Ҳамробуви. Майли, нима ҳам дейман, индамайман.

Ҳафиза (*Деҳқонбойга*). Аям эшитибдилар...

Ҳамробуви. Қулогим огир. Қулоқ ўлгур огир! Лекин ҳар нечук, қар эмасман. Эшитаман, эшитганим-да ҳам, нима дер эдим, индамайман. Мажлис соат саккизда бўлса...

Ҳафиза (*Деҳқонбойга*). Айтмадимми...

Ҳамробуви. Мажлисга етиб бораман деган киши уйдан эртароқ чиққани яхши дейман, холос.

Деҳқонбой (*кўнгли жойига тушиб*). Тўғри, хола.

Ҳафиза. Рост айтасиз, аяжон, тезроқ борайлик бўлмаса.

Деҳқонбой. Хўп, биз кетдик, хола.

Ҳамробуви. Шошмагин, болам, Деҳқонбой, бир оғиз гапим бор.

Деҳқонбой. Жоним билан.

Ҳамробуви. Ҳафиза ҳали ёш, звено бўлса ҳам, ҳар қалай ёш. Сиз ақллик, бу ерда ҳам, урушда ҳам

ўқиган йигитсиз. Шундоқ бўлгандан кейин ўзингиз айтинг, тўйсиз, никоҳсиз икковларинг бир эшикдан чиқсаларинг қандоқ бўлади? Эл-юрт нима дейди? Майли, мен нима ҳам дейман, индамайман...

Деҳқонбой. Ҳа... бундоқ денг... Майли, майли, холажон, мен ўзимизнинг эшикдан чиқа қолай.

Ҳафиза. Хўп, хўп, аяжон.

Ҳафиза билан Деҳқонбой ҳар қайсиси ўз эшигидан чиқади ва кўчада кўришади.

Деҳқонбой. Салом, Ҳафизахон! Яхшимисиз?..

Ҳафиза. Ўзларидан сўрасак... Кўринмайсиз?..

Иккови кулиб, қўлтиқлашиб кетади.

Ҳамробуви. Умрингдан барака топгурлар, кўп қобил болалар-да!

Холнисо ўз айвонига чиқади.

Холнисо. Уртоқ, болалар кетишдими?

Ҳамробуви. Ҳа, бир-бирига хўп муносиб-да!..

Икковининг ҳам умрини берсин!

Холнисо. Зап қизингиз бор-да! Онасининг боласи-да, онасининг боласи!.. Толоимдан ўргилай, пешонамга шундай келин битибди!

Ҳамробуви. Деҳқонбой-чи? Деҳқонбойдай йигит етти иккимда топилармикин? Қани энди ҳар бандайи мўминга Деҳқонбойдай куёву сиздай қайнана насиб қилса!

Холнисо. Бу ёққа чиқсангиз-чи, қуда, бирпас чақчақлашайлик.

Ҳамробуви. Жоним билан... Кўсагимни олиб чиқа қолай бўлмаса. Қимирлаган қир ошар...

Холнисо. Олиб чиқинг... Кўсак чувишга сиз устасиз-ку, шундоқ бўлса ҳам, кўлимдан келганича қарашаман.

Ҳамробуви. Кўсак чувишда сизга етиб бўлади-ми... (*Кўсагини олиб Холнисонинг ҳовлисига ўтади.*) Сизнинг қўлингиз машина-ку... (*Иккови сўрига ўтириб кўсак чувийди.*) Бугун болаларнинг мажлиси бор. Қомсомол мажлиси...

Холнисо. Биламан, қуда.

Ҳамробуви. Нима масала экан, билмадингизми?

Холнисо. О, қуда, менга айтишармиди.

Ҳамробуви. Соат нечада келар экан?

Холнисо. Менинг соатим тўхтаб қолибди.

Ҳамробуви. Соатим тўхтаб қолибди? Нега тўхтабди? Бузилибдими?

Холнисо. Вой, менинг соатим бузиладиган соат эмас. Бурамабман. Эрталаб хамиртурушга чиққанингизда юриб турган эди. Қалай, қуда, хамиртуруш дуруст эканми, нонингиз яхши чиқдимиди?

Ҳамробуви. Сизнинг хамиртуришингиз бўлади-ю, ёмон бўладими? (Бирдан.) Вой, эсим қурсин, сизга иссиқ нон бераман деб эсимдан чиқибди.

Холнисо. Майли, майли, ўртоқжон, бир-биримизнинг нонимизни энди кўрибмизми, қирқ йилдан бери еймиз.

Ҳамробуви югуриб кириб уйдан иккита нон олиб чиқади.

Ҳамробуви. Енг, қуда, жизза солган эдим... Соатингизни бурамаганингизни қаранг! Қўнглингизга келмасин-ку, қуда, соатни бураш менинг эсимдан ҳеч чиқмайди. Раҳматлик поччангиз: «Соат — уйнинг сўфиси» дер эди. «Ҳой, сўфини бурадингми, ҳой, сўфи нега жирингламаяпти», деб турар эди. Соатни бураш эсдан чиқса, худо эсдан чиқади-я, жон қуда!

Холнисо. Поччам раҳматлик, соатни сўфи деганлари билан намоз ўқимас эдилар.

Ҳамробуви. Ҳа, ўқимас эди. Сизнинг чолингиз ҳам ўқимас эди. Лекин намоз ўқимаса ҳам, жаннати одамлар эди. Бу дунёда кўрмади, у дунёда кўрсин!

Холнисо. Гўрингда тўнғиз қўпгур, Фозилбек икковини ишлатиб-ишлатиб, яна қарздор қилиб, эчкимизни, кўрпамизни олиб чиқиб кетганда иккови қандоқ йиғлаган эди. (Упқаси тўлиб.) Икковимиз қандоқ йиғлаган эдик!..

Ҳамробуви (йиғлаб). Қандоқ йиғлаган эдик!..

Холнисо. Шундоқ замонлар бўлар экан, иккови кўрмай ўлди, кетди.

Ҳамробуви. Кўрмай ўлди, кетди.

Холнисо. Қўйинг, қуда, энди болаларимизнинг боши омон бўлсин. Ҳадемай тўй қиламиз, орзу-ҳавас кўрамиз. Эсингизда борми: «Ҳай, ёр-ёро келин тушди...»

Ҳамробуви. Қирда тойчоқ кишнайти от бўлдим деб...

Холнисо. Уйда келин йиғлайди ёт бўлдим деб...

Иккови уйинга тушади.

Йиғлама, қиз, йиғлама, тўй сеники, Остонаси тилладан уй сеники...

Ҳамробуви бирдан йиғлаб юборди ва уйга томон йўналади.

Холнисо. Ҳой, шошманг... нима, нима бўлди, қуда?..

Ҳамробуви (йиғлаб). Қиз бола шу экан-да, катта бўлиб энди қаногингга кирганида пирр этиб учади-кетилади, учади-кетилади...

Холнисо. И-и, қуда, учиб қаёққа борар эди? Ниҳоятда девор ошар экан... Менинг уйим ўз уйингиз эмасми? Шуми ҳали қирқ йиллик қадрдондан чиққан гап? Болаларимиз бир-бирини яхши кўрганига суюнинг!..

Ҳамробуви (йиғлаб). Суюнмайманми... Қошки тўй баҳонаси билан укам ҳам келса...

Холнисо. Келмасдан нима қилади? Наҳот Мавлонингиз жиянининг тўйига келмаса!

Ҳамробуви. Э, қуда, Мавлонни билмайсиз! Бунингдай ўжар, бунингдай қайсар... Узимизнинг колхоз ёмонмиди? Уша йиллари Мавлон ударник деб ном чиқарган эди-я! Бирдан бошига Мирзачўл савдоси тушди-ю, кетаман деб туриб олди. Нима дейман? Мендан кичик бўлса ҳам, ҳар қалай эркак, индамадим.

Холнисо. Индагандирсиз (ишонмай).

Ҳамробуви. Йўқ, лом деганим йўқ! Сен болагингда ҳам хира эшакдан баттар эдинг, гап кор қилмас эди, энди нима бўлар эдинг дедим, холос... Кетди-қолди. Мана энди, Мирзачўлда қамиш ёқиб, шўр ялаб ўтиргандир.

Холнисо. Одам наҳот Мирзачўлни ҳавас қилса. Худо яратишга яратиб қўйиб, кейин, дафтаридадан ўчириб ташлаган жойлар-ку!

Омон ҳовлиқиб киради.

Омон. Ая! Ая! Ая!

Холнисо. Ҳа, ҳа, нима бўлди?

Омон. Мажлис тамом бўлди. Бюро кетаётибди.

Ҳамробуви. Мен чиқиб чой қўяй бўлмаса. Ҳозир келаман. (Чиқиб кетади.)

Холнисо. Нима бўлди, болам, мажлисда сени танқид қилишдимиз, рангинг бир аҳволда?

Омон. Э, мен қаёқда-ю, танқид қаёқда?.. Ая, хо-
ламнинг олдида айтгим келмади... Мажлисда Деҳқонбой
акам тўғрисида гап бўлди...

Холнисо. Нима гап бўлди, акагни танқид қи-
лишдими? Вой шўрим!

Омон. Нима бўлса «вой шўрим» экан-да, Деҳқон-
бой акамни мақташди. Ҳафизахон опамни ҳам мақ-
ташди.

Ҳамробуви айвонга чиқади.

Биласизми, Деҳқонбой акам билан Ҳафиза опам
икковлари... кетадиган бўлишди!

Ҳамробуви (*беихтиёр*). Қаёққа? (*Дарров ўзини
уйга олади.*)

Омон ирғиб туриб атрофига қарайди. Ҳеч ким йўқ.

Холнисо. Қаёққа? Районгами? Тошкентгами?
Гапирсанг-чи! Уқиганими, мажлисгами?

Ҳамробуви деразадан қарайди.

Омон. Икковлари Мирзачўлга кўчиб кетадиган бў-
лишди.

Ҳамробуви. Вой! (*Дарров наст бўлади.*)

Омон ирғиб туриб атрофга қарайди. Ҳеч ким йўқ.

Холнисо. Нима деяпсан ўзинг?

Омон. Мажлисда бўлган гапни гапираётиман.
Деҳқонбой акам, Ҳафизахон опам, яна бешта комсомол
Мирзачўлга кўчиб кетамиз деб сўз беришди. Мен ҳам
сўз берай десам, Деҳқонбой акам қўймади!..

Холнисо. Йўқ! Йўқ! Тушунмагандирсан, болам!
Худо сақласин!

Омон. Сиз тушунмаётисиз, ая! Комсомол мажли-
си қарор қилгандан кейин худонинг қўлидан нима ке-
лар эди.

Холнисо (*ирғиб туради*). Биламан, бу гап Ҳафи-
задан чиққан. Бунақа гап ўшандан чиқади. Мирзачўлда
унинг тоғаси бор, менинг кимим бор. Кўчиб кетадиган
бўлса ўзи кетаверсин! Деҳқонбойни қўймаман!

Ҳамробуви (*деразадан*). Биламан, бу гап ким-
дан чиққан! Деҳқонбойдан чиққан гап бу!.. (*Уйдан бўғ-*

чалар олиб чиқади ва Холнисога улоқтиради.) Мен қи-
зимни шу умид билан бераман деганмидим! Бўлди!
бермайман! Олинг, нарсаларингизни!

Холнисо. Вой!.. Вой!..

Ҳамробуви. Деҳқонбойнингиз, Мирзачўлда тур-
гиси бор экан, ўзи кетаверсин, менинг қизимни нега
йўлдан уради?!

Холнисо. Вой, вой, қуда...

Ҳамробуви. Қуда деманг!

Холнисо. Вой, қўшни, бу гапни мен айтсам бўла-
ди. Қизингиз менинг ўғлимни йўлдан урган. Қеракмас
қизингиз! Дарахтни силкитсанг қиз ёғилади.

Омон. Ая, гапни ўйлаб гапирсангиз-чи!

Холнисо. Мен ҳали ҳеч нарса деганим йўқ! Сен
аралашма! Бор. (*Омонни ҳайдайди.*) Болагинам шунча
йил урушда юриб ўз қишлоғини, уйини соғиниб келган,
нучук эканки, соғиниб келган колхозини ташлаб Мир-
зачўлга кетар экан? Мирзачўлда сизнинг укангиз бор,
қизингиз тоғасининг олдига борар экан, ўзи бораверсин,
менинг ўғлимни нега йўлдан уради?!

Ҳамробуви. И-и, вой, қуда...

Холнисо. Қуда деманг!

Ҳамробуви. Вой, овсин, ҳеч жаҳонда қиз бола
ҳам йигитни йўлдан урадими?

Омон. Ая! Хола! Қўйсаларинг-чи!

Холнисо. Нега йўлдан урмас экан! Йигит билган
гапни қиз ҳам билади. Ҳозирги қизлар ота соқоли кўк-
рагига тушган эркакларни мусобақага чақиради, трак-
тор минади! Ҳа! Женотдел замони ўтиб кетган. Ҳозирги
қизларнинг ҳар бири бир женотдел! Ҳафизанинг ўзи
ўнта женотдел!

Ҳамробуви (*бақириб*). Отини оғзингизга олманг!

Омон. Хола! Ая! Бақирмасаларинг-чи!

Ҳамробуви. Мен ҳали бақирганим йўқ... Мен
қизимни куёвга бераман, орзу-ҳавас кўраман деган
пиятдаман, наҳотки Деҳқонбойнинг бўйнига қўнғироқ-
дай осиб қўяману Деҳқонбой қаёққа борса бўйнида
жиринглаб кетаверади деган бўлсам!..

Холнисо. И-и, қуда... Йўқ, қўшни, оғзингизга
қараб гапиринг! Деҳқонбой туямиди бўйнига қўнғироқ
осади?

Ҳамробуви. Туя! Туя! Туя бўлмаса Ҳафизани
бўйнига осиб олмоқчи бўлармиди! Туя!

Холнисо. Нима дедингиз?!

Ҳамробуви. Туя!..

Холнисо. Яна битта айтинг шу гапни!..

Ҳамробуви. Туя! Туя! Туя!

Холнисо. Ҳали шунақами?! Чикинг, ҳозир уйимдан чиқиб кетинг!..

Ҳамробуви. Ҳали шунақами?! (*Ўз ҳовлисига чиқади.*) Бўпти!.. Қиз болани йўлдан урадиган одамга тушиб қолган қизим йўқ!

Холнисо. Қим кимни йўлдан урибди?

Ҳамробуви. Ўғлингиз қизимни йўлдан урган! Ана у Озарбойжонга тажриба олиб борганида ҳам йўлдан уриб хат ёзган эди.

Омон. Тажриба олиб боргани йўқ, тажриба алмашгани борган.

Ҳамробуви. Бари бир, йўлдан уриб хат ёзган.

Холнисо. Нима деб хат ёзибди, Мирзачўлга кетамиз дебдими?

Ҳамробуви. Мирзачўл ҳам гапми, (*куюниб*) Кавказ тоғларига кетамиз деган!..

Холнисо. Елгон!

Ҳамробуви. Елгонми?

Холнисо. Елгон! Елгон! Елгон!

Ҳамробуви. Хўп, ҳозир хатини олиб чиқаман.

Омон (*қизиқиб*). Олиб чиқинг-чи, хола!

Ҳамробуви уйга киради.

Холнисо (*тугунларни титкилаб*). Ўғлимни Мирзачўлга олиб кетар эмиш-а! Олиб кетиб бўпти! Омон, ёғжим рўмол қани, ёғжим рўмол! Ҳа, бу ёқда экан...

Ҳамробуви хатни олиб чиқади.

Ҳамробуви. Елгонми? Мана! (*Холнисонинг ҳовлисига ўтади ва унинг ҳайдагани эсига тушиб дарров қайтади.*) Ҳой Омон, ма, ўқи! Менинг кўзим ўтмайди. (*Омонга девор оша бир хатни беради.*) Пастроғидан ўқи! Пастроғидан...

Омон (*ўқийди*). ... кетаётган куним...

Ҳамробуви. Ана! Эшитинг!

Омон. Сизни яна битта...

Ҳамробуви. Эшитинг! Эшитинг!

Омон. «Яна битта, биттагина ўпмаганимга пушаймонман...»

Ҳамробуви. Вой шарманда!.. Бу ёққа бер! Бер! Бер дейман!.. (*Холнисонинг ҳовлисига ўтади, хатни*

Омоннинг қўлидан юлиб олади.) Мана, бунисини ўқи-чи... пастроғидан...

Омон (*ўқийди ва қотиб-қотиб кулади*). Бунисен ҳам шунақа...

Ҳамробуви. Бу ёққа бер! Мана, бунисини кўрчи...

Омон (*ўқийди*). Бирга келсак.

Ҳамробуви. Ана!

Омон. «Қўл ушлашиб юрсак... Денгиз бўйларини, Кавказ тоғларини кезсак...»

Ҳамробуви. Ана! Кавказ тоғлари! Мирзачўл ҳам гапми!

Омон. Саёҳатга бормоқчи бўлишган!

Холнисо. Саёҳат!.. Саёҳатни биласизми?!

Ҳамробуви. Бари бир, йўлдан уриб хат ёзганми? Ёзган!.. Ёзган!.. Қиз боланинг бошини айлантириб.

Холнисо. Қим кимнинг бошини айлантирибди?!

Омон. Аяжон!.. Хола!..

Ҳафиза билан Деҳқонбой киришади.

Холнисо. Ҳафизангиз кўзимга кўринсин-чи, нима қиламан!

Ҳамробуви. Деҳқонбойингиз кўзимга кўринсин-чи, нима қиламан!

Ҳафиза. Билишибди-ку.

Деҳқонбой. Омон шу ердами? Масала ҳал. Сиз уйга киринг. Мен ҳар қалай, жанг кўрган одамман, аввал мен рўпара бўла қолай.

Деҳқонбой (*Ҳамробувига*). Тинчликми?

Иккала кампир тескари ўгирилади.

(*Омонга.*) Дарров айтибсан-да!

Омон. Айтганим йўқ, маълумот бердим, холос. (*Қочиб чиқиб кетади.*)

Деҳқонбой. Мирзачўл тўғрисида гаплашаётган эдиларинг шекилли.

Холнисо. Юр деса кета берасанми? Қим айтади сени йигит деб!

Ҳамробуви. Қиз боланинг бошини айлантириб... йўлдан уриб... Сизни шу умид билан куёв қиламан деганмидим!..

Деҳқонбой. Бормаймиз! Бормаймиз!..

Ҳамробуви. Бормайсизларми?
Деҳқонбой. Сизлар рози бўлмасаларинг ҳеч қаёққа бормаймиз.

Ҳамробуви (қатъий). Мен рози эмасман!

Деҳқонбой. Бўпти, бормаймиз...

Холнисо. Эшитдингизми, қуда? Менинг ўғлим онасининг розилигига қарайди. Болам, шу гап аввалбоши кимдан чиқди?

Ҳамробуви. Аввалбоши сиздан чиққандир-да?

Холнисо. Шошманг, қуда...

Деҳқонбой. Аввалбоши бу гап... комсомол съездидан чиққан эди. Съездда комсомолларнинг Мирзачўлга юриши тўғрисида гап бўлган эди.

Холнисо. Ана, эшитдингизми? Съезд!

Деҳқонбой. Ундан кейин комсомол мажлисида гап бўлди.

Ҳамробуви. Ҳафизани мажлисга сиз бошлагандирсиз-да!

Деҳқонбой. Нега мен бошлайман, комсомол бўлгандан кейин мажлисга боради-да.

Холнисо. Боради-да!

Деҳқонбой. Ўзимизнинг колхозда-ку, бир парча ерни бўш қўйгани кўзимиз қиймайди; ҳеч бўлмаса ошқовоқ, у ҳам бўлмаса супурги экамиз. Мирзачўлда шунча ерни қамиш-қиёқ босиб ёта берадимиз? Нима учун Мирзачўлга бормаймиз, янги ерлар очмаймиз?

Ҳамробуви. Ана, қуда, эшитинг!..

Холнисо. Ҳой, нима деяпсан ўзинг?

Деҳқонбой. Мен мажлисда бўлган гапни гапиратибман. Бормаймиз!

Ҳамробуви. Бормайсизларми?

Деҳқонбой. Сизлар рози бўлмасаларинг қаёққа борамиз?

Ҳамробуви (қатъий). Мен рози эмасман.

Деҳқонбой. Бўпти, бормаймиз... (Паузадан кейин.) Ота-боболаримиз ер деб, сув деб доғ-ҳасратда ўтган экан. Мана ер, мана сув... Трактор бўлса, ҳукуматимиз ёрдам берса, худо йўл қўйган хатоларни тўғрилаётган олимларимиз бўлса...

Ҳамробуви. Астафирилло денг, болам!

Холнисо. Астафирилло дегин!

Деҳқонбой. Мана шунақа гаплар бўлганда мен Ҳафизага қарадим, Ҳафиза менга қараб турган экан. Икковимиз жилмайиб қўйдик.

Ҳамробуви. Аввал сиз жилмайгандирсиз-да!

Деҳқонбой. Аввал мен жилмаймасам, Ҳафиза жилмаяр эди, аввал у жилмаймаса, мен жилмаяр эдим...

Иккала кампир бир-бирини қучоқлаб йиғлайди.

Э, ахир бормаймиз дедим-ку!

Ҳамробуви. Бормайсизларми?

Деҳқонбой. Сизлар рози бўлмасаларинг бормаймиз!

Ҳамробуви (қатъий). Мен рози эмасман!

Деҳқонбой. Бўпти, бормаймиз!..

Ҳамробуви. Ҳа, баракалла, болам. Шунини Ҳафизага ҳам тушунтиринг. Ҳафиза қаёқда қолди экан?

Деҳқонбой. Уйда, бирга келган эдик.

Ҳамробуви. Шундақами... Мен бу ерда лақиллаб ўтирибман. Чиқай бўлмаса. Овқатини берай...

Холнисо (туғунларга имо қилиб). Қуда!..

Деҳқонбой. Бу нима?

Ҳамробуви (хижолат бўлиб). Шамоллатгани олиб чиққан эдик.

Иккала кампир туғунларни Ҳамробувининг уйига олиб киришади.

Холнисо. Сен ҳам овқатингни егин! (Уйига киради).

Деҳқонбой (ўзи ёлғиз). Онажонларим, тилимиз янги чиққан вақтларда-ку, чала-чулла айтган гапларимизга тушунар эдиларинг, ҳозир нега гапимизга тушунмайсизлар!

Ҳафиза (киради). Аямни қанақа қилиб кўндирдингиз? Мен ўн кечаю ўн кундуз йиғлармикин деб ўйлаган эдим. Сизни дуо қилиб ўтирибди.

Деҳқонбой. Бормаймиз, сизлар рози бўлмасаларинг, бормаймиз дедим.

Ҳафиза. Ие!.. Жанг кўрган одамман деган эдингиз шекилли.

Деҳқонбой. Бу жангда сабр тактикасини қўллаш керак. Сабр қилсак оналаримиз ўзлари оқ йўл тилаб кузатиб қўйишади.

Ҳамробуви (товуши). Ҳафиза, овқатингни егин!

Деҳқонбой. Кейин гаплашамиз. Мен сизни боғда кутаман.

Ҳафиза кетади.

Холнисо (овқат олиб чиқади). Қариллик курсин, подадан олдин чанг чиқариб сени хафа қилаёздик-а...

Деҳқонбой. Сизлар хафа бўлмасаларинг бўлгани-да, онажон...

Омон югуриб киради.

Омон. Деҳқонбой ака, деворий газета чиқди. Клубга осиб қўйишди. «Мирзачўлга кетаётган илғор комсомолларга шон-шарафлар бўлсин!» деб ёзишибди. Отларингни катта-катта қилиб ёзишибди...

Холнисо. Қир, уйга кир, овқатингни егин!

Омон. Бир кун эмас, бир кун менинг тўғримда ҳам шунақа деб ёзишади. (Уйга кириб кетади.)

Холнисо. Болам, отинг газетага тушган бўлса, энди нима бўлди!

Деҳқонбой. Бундан илгари мажлисга ҳам тушган эди... Нима бўлар эди, отимни газетадан ўчириб қўйинглар, аям кўнмаётибдилар, дейман-да...

Холнисо. Қандоқ бўлади... Йўғ-эл.. (Уйлаб туриб бирдан.) Болам, Мирзачўлнинг ҳавоси менга ёқмайди деб доктордан қоғоз олсанг-чи!

Деҳқонбой. Ая, аяжон, шу ҳам гапми!.. Уялмай-сизми... Ким айтади сизни тушунган хотин деб!

Холнисо (хижолат тортиб). Ахир... болам... шу ерда ҳам иккиннинг бири, колхозимизнинг кўрки эдингку. Урушдан орден олиб келдинг, худо хоҳласа, пахтага ҳам орден олар эдинг... Бу ҳам кўкрагингда яшнар эди.

Деҳқонбой. Онажон, орден деган нарса олга юрган кишининг кўкрагида яшнайд.

Холнисо. Олга юраман деган киши Мирзачўлга бориши керак эканми? Нега ўйламай иш тутасан?

Деҳқонбой. Урушга борганимда оқ йўл тилаган эдингиз, бу сафар ҳам оқ йўл тиларсиз дебман-да...

Холнисо. Урушнинг йўриғи бошқа эди. Унда сени эл-юрт қақирган эди!

Деҳқонбой. Ҳозир-чи? Партиямиз чўл-биебонларни обод қилинглари дегани мени қақиргани эмасми?

Холнисо. Болам, жон болам... (йўғламсираб.) Мени яна ташлаб кетасанми?

Деҳқонбой. Нега ташлаб кетар эканман? Борамиз, ўрнашамиз, уй-жой қиламиз... Ундан кейин келиб Ҳамробуви холам икковларингни олиб кетамиз-да.

Холнисо. Ҳамробуви бориб бўпти! Ҳафизани ҳам юбормайди. Унга ган уқдириб бўладими?

Деҳқонбой. Мен уқдира олмасам сиз уқдира olasиз.

Холнисо. Менинг гапимга қулоқ солармиди. Ука-сидан ҳам баттар ўжар!

Деҳқонбой. Нега қулоқ солмайди? Қирқ йил қулоқ солиб келиб, энди қулоқ солмайдиган бўлиб қолдими? Нега? Нима ёмонлик қилдингиз холамга?

Холнисо. Мени энди... агитатор қилмоқчимисан?

Деҳқонбой. Тушунган ҳар бир хотин агитатор-да. Ё тушунмаган хотинмисиз?

Холнисо (ўйлаб). Ҳозир гапирайми?

Деҳқонбой. Агитатор деган ишни пайсалга солмайди.

Холнисо. Майли... Сен овқатингни еятур бўлмасан. Кетиб қолма, адашиб кетсам, келиб сўрайман. Қариган чоғимда агитатор ҳам бўлдим! (Ҳамробувининг ҳовлисига ўтади.) Қуда, ҳо қуда!..

Ҳамробуви (уйдан чиқади). Лаббай... келинг, қуда...

Холнисо. Зерикиб кетдим, бирпасгина лақиллашайлик деб чиқдим...

Ҳамробуви. Жоним билан... киринг, киринг, жон қуда.

Иккови уйга кириб кетади. Омон киради.

Омон. Ака! Сизга айтаман деб эсимдан чиқиб қолибди. Комсомол комитетидан топшириқ олдим.

Деҳқонбой. Нима экан?

Омон. Авиомоделистлар тўгараги ташкил қиламан. Жуда кўп бола ёзилди. Биласизми, ҳозир мен нима ясаётиман?

Деҳқонбой (хаёли ичкарида). Трактор!..

Омон (аччиғи келиб). Трактор учадими? Тез учар самолёт ясаётиман.

Кампирларнинг товуши эшитилади. Деҳқонбой шошиб Омонни уйга ҳайдаб ўзи дарахт тинасига ўтади.

Омон. Битта қаноти битди. Кўрсатайми? Эртага кўрсатаман... (Уйга киради.)

Ҳамробуви билан Холнисо киради.

Ҳамробуви. Йўқ! Гапирманг! Гапирманг!

Холнисо. Аввал гапимга қулоқ солинг, қуда...

Ҳамробуви. Уғил сизники. Уғил сизники бўлгандан кейин мен нима дейман, индамайман.

Холнисо. Менга қаранг, қуда, қирқ йилдан бери ўртоқмиз-а? Қирқ йилдан бери сизга бирон ёмонликни раво кўрдимми?

Ҳамробуви. Чиқинг! Ҳозир уйимдан чиқиб кетинг!

Холнисо (*ўз ҳовлисига ўтиб*). Тушунмаган хотиндан хафа бўлишнинг ҳожати йўқ.

Ҳамробуви. Нима! Нима дедингиз?

Холнисо. Тушунмаган хотиндан хафа бўлиш керак эмас дедим.

Ҳамробуви. А, мен тушунмаганга чиқдимми? (*Ийғламсираб.*) Қирқ йилдан бери қадрдон эдик, энди мен тушунмаганга чиқдим, сиз тушунган бўлиб қолдингизми?

Холнисо. Тушунган бўлиб ҳали газетага тушганим йўқ, лекин ҳар ишга сиздан олдинроқ тушунаман.

Ҳамробуви. Мен сиздан кейинроқ тушунаманми? Нимани сиздан кейин тушунибман? Қани, айтинг!..

Холнисо. Ер ислоҳоти эсингизда борми? Ҳукумат бойларнинг ерини, от-улови билан тортиб олиб камбағалларга бўлиб берганда «бу ҳаром» деган ким эди?

Ҳамробуви. Айтган бўлсам ичимдан чиқариб айтганим йўқ. Қудратилла махсумнинг гапини айтганман. Ушандай деган бўлсам ҳам, ер олганмиз!

Холнисо. Ер олдиларинг-ку, лекин биздан кейин олдиларинг. Мен «ҳукумат шундоқ қилармиш» деб эшитишим билан Ленинни дуо қилганман. Мана шу мендан кейин тушунганингиз бўлади! Паранжи ташлаганда-чи.

Ҳамробуви. Буниси тўғри, паранжини сиздан бир йил кейин ташладим.

Холнисо. Бир ярим йил кейин ташлагансиз, ҳисобдан адашманг! Колхозга киришда-чи.

Ҳамробуви. Тўғри, сиздан кейин кирганман... Худоё колхозимиз у дунёю-бу дунё кам бўлмасин!

Холнисо. Шуни айтаман-да, мен тушунган нарсага сиз ҳам тушунмай қолмайсиз. Мен ҳозир мана бу ишга — Мирзачўлга тушуниб турибман, бориб-бориб сиз ҳам тушунасиз демоқчиман. Тушунасиз, лекин... кейин! Мендан кейин тушунасиз!

Ҳамробуви. Ахир, жоң қуда, нега ундоқ дейсиз! Нега тушунмас эканман! Тушунаман, тушуниб турибман! Лекин биттаю битта қизим... (*ўпкаси тўлиб.*) Орзу-ҳавас кўраман деганимда мени ташлаб кетса...

Холнисо. И-и-и, қуда, нега ташлаб кетар экан. Боришади, уй-жой, мол-ҳол қилишади... Ундан кейин келиб бизни ҳам олиб кетишади-да! Мирзачўлга нима қипти, укангиз шунча йилдан бери турибди-ку! (*Ҳамробувининг ҳовлисига ўтади*). Юринг, қуда, Ҳафизани сунтирайлик... Юринг! (*Уйга киришади.*)

Деҳқонбой (*ўзича*). Жуда яхши агитатор экансиз-ку, онажон, яна адашиб кетаман дейсиз...

Ҳафиза чиқади.

Ҳафиза. Деҳқонбой ака, бўлди! Кетамиз! Аям билан холам йўлга нима пиширсак экан деб маслаҳат қилиб ўтиришибди!

Қаттақон китоб кўтариб Омон чиқади.

Деҳқонбой. Бунақа жангда сабр тактикаси қўлланилса шунақа бўлади. Мана энди Мирзачўлга бориб тоғни толқон қиламиз!

Омон. Чўлда тоғ бўладими! Дарсликда «тоғ бўлмайди» дейилган. Мана!

Деҳқонбой. Биз дарсликни ҳам ўзгартирамиз.

Омон. Бир оз қисқартириб берсаларинг ёмон бўлмас эди. (*Кўчага чиқиб кетади.*)

Деҳқонбой девордан ошиб Ҳафизанинг олдига ўтмоқчи бўлади ва уни ўпмоқчи бўлади.

Ҳафиза. Ҳай-ҳай... бевош бўлманг.

Ашула эшитилади:

Сенга мафтун бўлиб севиб қолганим,
Ишқинг оловида ўртанганим рост.

Ҳафиза (*қўшилади*).

Сенинг ёдинг билан нафас олганим,
Исминг такрорлашга ўртанганим рост...

Деҳқонбой. Яхши ашула экан...

Ҳафиза. Уруш йиллари чиққан ашула.

Деҳқонбой. Ўзингиз чиқарганмисиз?

Ҳафиза. Йўқ, мен мафтун бўлган, мен ишқида ўртанган киши...

Деҳқонбой. Йўқмиди?

Ҳафиза. Бўлса ҳам мен унга «қўшнининг қизи» эдим, холос. Фрондан онасига ёзган хатларида «қўшнимиз Ҳамробуви холам ва унинг қичга салом» дер эди!

Деҳқонбой. Эсингиздан чиқмаган экан!

Ҳафиза. Эсдан чиқадиган саломми?

Деҳқонбой. Мен фронтга кетганимда кичкинагина қизча, Омондан салгина катта эдингиз-да. Бир куни Ўзбекистондан газета олдим: қарасам, Ҳафизахоннинг сурати: «Пахта далаларининг стахановчиси «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди...»

Ҳафиза. Уша суратимни фотограф далада олган эди. Афт-бошим чанг, сочларим тўзгиган... Хўп кулгандирсиз...

Деҳқонбой. Ухў, у суратга менинг кўзим билан қарасангиз эди. Кўзларим қамшиб кетди!..

Ҳафиза. Қайтиб келганингиздан кейин шунинг учун бир йилча юзимга қаролмай юрган экансиз-да...

Деҳқонбой. Аввал сизга муносиб йигит бўлишим керак эди.

Ҳафиза. Муносиб эмасмидингиз?! Аям муносиб йигит деган эдилар-ку!

Деҳқонбой. Узингиз-чи?

Ҳафиза. Вой, мен айтмасам аям қаёқдан билар эдилар!

Холнисо билан Ҳамробуви уйдан чиқади.

Ҳамробуви. Секин, эҳтиёт бўлинг, қуда, зина қийшайиб қолибди.

Холнисо. Биламан, қудажон... юринг, қуда. Эшикни мен оча қолай. Утинг...

Ҳамробуви (*эшикдан ўтиб деворни силайди*). Қуда, мана шу деворни поччангиз урган эди. (*Йиғламсираб.*) Чолгинам урган эди!

Холнисо. Ҳа... (*Йиғламсираб.*) Менинг чолим лой бериб турган эди.

Иккала кампир йиғлайди.

Деҳқонбой. Ие, агитатор деган ўзи қўшилишиб йиғламайди-да!

Холнисо. Қандоқ қилай, даданг лой бериб турган эди.

Омон киради.

Ҳафиза. Онажонларим, ҳамма ўзининг эски деворини қучоқлаб ўтира берса юрт қачон обод бўлади?

Деҳқонбой. Мирзачўлда катта-катта ёруғ уйлар соламиз.

Омон. Москвада қурилаётган иморатлардай йигирма қават, ўттиз қават иморатлар соласизлар-а, Деҳқонбой ака?

Деҳқонбой. Ўттиз қават бўлмаса ҳам Москва кўринадиган иморатлар соламиз. Қаер обод бўлса, ўша ердан Москва кўринади.

Ҳамробуви. Чўлни обод қилиш савоб.

Холнисо. Албатта! Қани, қуда, болаларга фотиҳа берайлик.

Ҳамробуви. Илоҳи омин... Ҳой, қизим, борганингдан кейин тоғанг менга бетўхтов хат қилсин!

Ҳафиза. Хўп.

Ҳамробуви. Илоҳи омин... Деҳқонбой болам, бу тоғасиникида турса, сиз бошқа жойда туринг... Айб бўлади.

Деҳқонбой. Хўп, мен жуда узоқда тураман.

Ҳафиза. Ая! Шу ҳам гапми?..

Ҳамробуви. Мен омади гапни атаётиман... Илоҳи омин... Ҳой, қизим, тоғанг чизган чизикдан чиқма! Деҳқонбой болам, сиз ҳам Мавлоннинг маслаҳати билан иш тутинг!

Холнисо. Албатта!

Деҳқонбой. Мавлон ака Ҳафизахонга тоға бўлсалар, менга ўз акам...

Ҳамробуви. Омин, шайтоннинг бўйни синсин!

Омон. Хола, шайтон хурфот, йўқ нарса!

Ҳамробуви. Бор-бор! Сенга қолса худони ҳам йўқ дейсан!.. (*Бирдан.*) Вой эсим қурсин!..

Деҳқонбой. Тагин нима бўлди? Ҳозир фотиҳа бердингиз-ку!

Ҳамробуви. Вой шўрим... Сўфини бураш эсимдан чиқибди!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Мирзачўл. Бир томонда қамиш билан ёпилган қатор уйлар уфққа туташган, олдинги планда ўша уйлардан бири. Бир томонда уфқдан чиқиб келган канал. Каналнинг сўл бети пахтазор, ўнг бети очилмаган қўриқ. Пашшахона, тутияган сўрида Мавлон ака ётибди. Қўлида папка, Салтанат югуриб киради.

Салтанат (*кимнидир қидиради*). Одилов ака!
Одилов ака!..

Мавлон (*пашшахонадан бошини чиқариб*). Менга қара, Салтанат, сўфи азон айтганини эшитганмисан?

Салтанат. Йўқ, Мавлон ака, умримда эшитган эмасман.

Мавлон. Сўфидан ҳам бақироқ бўлибсан. (*Яна ётади.*)

Салтанат. Кечирасиз, Мавлон ака, тобингиз қочгани эсимдан чиқибди. Парторгни қидириб юрибман... (*Бармоғини букиб.*) Раис МТСдан келгани йўқ — бир... парторг йўқ — икки... Комсомоллар келиб қолишди...

Мавлон (*бошини кўтариб*). Нима?

Салтанат. Комсомоллар келишди...

Мавлон. Шундоқ демайсанми ахир!..

Салтанат. Айтаётибман-ку...

Мавлон ўрнидан туради.

Турманг, турманг, Мавлон ака!.. Қасал одам, нима қиласиз туриб...

Мавлон. Менга ўргатма! Узим биламан... (*Уйга киради ва дарҳол тўн кийиб, этик кўтариб чиқади.*) Комсомоллар қаердан келишибди? Қайси райондан?

Салтанат. Анжан областидан... Ётинг дейман!.. Мавлон ака!

Мавлон (*этик кияётиб*). Анжан областидан? Бизнинг райондан эмасмикин?

Салтанат. Одилов акам қимирламай ётинг демовдиларми?.. Қўймайман!.. (*Бир пой этигини олиб қолади.*)

Мавлон. Салтанат. Бер бу ёққа! Аччиғимни келтирма! Колхозга комсомоллар келганда, бригадир деган ялпайиб ётмайди. Меҳмонларни ким кутиб олади? Бригадир кутиб олиши керак! Мавлон кутиб олиши керак! Қанча одам келибди?

Салтанат. Кўпчилик...

Мавлон. Қизлар ҳам борми?

Салтанат. Учта қиз...

Мавлон. Шуларнинг биттаси менинг жияним эмасмикин? (*Жўнайди.*)

Салтанат (*Мавлоннинг кетидан югуриб*). Жиянингиз келиши керакмиди? Ётсангиз бўлар эди... Одилов акам хафа бўладилар.

Иккови чиқиб кетади.

Машина гуриллайди, тўхтайдди. Товушлар. Елкасига термос оingan семиз киши — Раҳимжон киради.

Раҳимжон (*ташқаридан шофёрга*). Қарим, шони-ма, ҳозир тахта топиб бераман, гилдиракнинг тагига қўйиб бос-чи... Мана, тахта... Қарим! (*Тахтани беради.*) Ма! (*Машина гуриллайди.*) Йўқ-йўқ, бўлмади... орқага юр-чи... Йўқ-йўқ... Бўлмайди, гилдирак ботиб кетди.

Одилов киради. У жон куйдираётган Раҳимжонни кўриб тўхтайдди ва кулимсираб қараб туради.

Қарим! Моторни ўчир, бензинни нобуд қилма! Хў, кўрдингми, трактор турибди. Бориб айт: «раиснинг машинаси ариққа тиқилиб қолди, чиқазиб беринглар» дегин. (*Одиловни кўриб.*) Э, ўртоқ парторг... Салом, ўртоқ Одилов. (*Хижолат бўлиб.*) Машинанинг оёғи тойиб кетди...

Одилов. Жуда тез ҳайдабсиз-да...

Раҳимжон. Э, ўртоқ Одилов, раис тез ҳайдамаса бўладими!.. Иш кўп, кун қисқа... Машинада юриб оёқдан қоламан-да!.. Бирпас дам олайлик... Бир пиёла кўк чой ичмайсизми? (*Термосни очади.*) Сомонхонага ўт тушди... (*Чой ҳўплаб.*) Бай-бай, зап чой бўлибди-да!..

Одилов. МТСга бордингизми?

Раҳимжон. МТСга бордим, пахта пунктига кирдим... Яхшиям кирганим: саккиз арава пахтамиз ўтмай турган экан, жанжал қилиб зўрға ўтказдим. Бугун-эрта яна иккита сушилка солмасак бўлмайди. Тахта бор, сушилка солгани одам йўқ, ҳамма пахтада... Бир ёмғир ёрса борми?.. Бу комсомоллар кела қолса-чи-я!..

Одилов. Эрталаб штабга телефон қилган эдим.

Раҳимжон. Хўш?

Одилов. Бугун-эрта келиб қолишар.

Раҳимжон. «Бугун-эрта...» Идорадан келаётган-мидингиз?

Одилов. Йўқ, даладан... фермага кетаётибман. Йўлакай Мавлон акамни кўриб ўтай дедим.

Раҳимжон (*ҳайрон бўлиб*). Нима, нима қипти Мавлон акага?

Одилов. Далада безгак тутиб қолди. Машинага солиб жўнатган эдим.

Раҳимжон. Ҳай, аттанг!.. Шундай вақтда энг яхши бригадир касал бўлиб қолса-я...

Одилов. Юринг, кўриб чиқайлик.

Раҳимжон. Юринг, юринг... (Шофёрга.) Карим, бўлаёдингми? Бўлсанг, мени чақир!

Товуш. Орқа филдиракнинг дами чиқиб кетди.

Раҳимжон. Садқайи машина кетсин! Сенга ким қўйибди машина миннишни, эшак арава олиб бераман...

Одилов эшикни тақиллатади, ҳеч ким товуш бермайди.

Одилов. Ухлаб қолибди. Қўйинг, уйғотмайлик.

Раҳимжон. Йўқ, уйғотмаймиз, секин кириб кўриб чиқамиз-да... Кечгача бошқа фурсат бўлмайди... (Эшикни секин очиб бир қадам қўяди ва орқасига қайтади.) Уртоқ Одилов, сиз кира қолинг... Мен оғирроқман, тахта фижирлаётибди...

Одилов уйга киради, Раҳимжон диққат билан ичкарига қулоқ солади.

Одилов (товуши). Одам ҳам шундоқ қайсар бўладими?.. Шу ҳам гап бўлдимми?

Раҳимжон (ҳайрон бўлиб). Ие, касал одамга-я!..

Одилов чиқади.

(Тажанг бўлиб). Касал кўриш ҳам шунақа бўладими?..

Одилов. Қани касал? Йўқ!.. Чиқиб кетибди!..

Раҳимжон (завқ қилиб). Ажойиб одам-да, Мавлон ака! Далага чиқиб кетгандир-да! Касал ҳолида далага чиқиб кетса-я? Қаранг! Ғайратига чидамайди!

Одилов. Ғайрати-ку яхши, лекин ўжарлиги ёмон!

Раҳимжон. Ҳар кимда бир камчилик бўлади-да: биров ўжарроқ, биров сал (қорнини силаб) семизроқ...

Одилов. Биров ҳар камчиликка бир важ кўрса-тади...

Раҳимжон (кинояга тушуниб). Биров шундай яхши бригадирни ҳар важ билан сўкаверади.

Одилов (кулиб). Яна биров танқидни сўкиш деб тушунади. (Жиддий.) Мавлон аканинг мана шунақа ўжарлиги бир кун эмас, бир кун ўзига ҳам, колхозга ҳам жуда қимматга тушади.

Салтанат (товуши). Раҳимжон ака!

Одилов. Салтанат сизни қидириб юрибди... Хўп, мен фермада бўламан (кетади).

Раҳимжон (ташқарига). Карим, бўлдингми?

Карим (товуши). Ҳозир...

Раҳимжон. Бўлмаса мен чой ичиб олай. Бўлсанг чақир. (Термосга қарайди, чой йўқ.)

Эрмат (товуши). Чойни ичиб бўлгандан кейин чойнакни хор қилмай дарров элтиб берсанг бўлмайдимми! Ота-буванг чой кўрганми ўзи!..

Раҳимжон. Эрмат! Ҳо, Эрмат!

Қўлида бир талай чойнак, Эрмат киради.
(Термосни узатиб)

Чойга ялчитмасанг шунақа бўлади-да! Ма, дамлаб кел! Эрмат. Ие, ҳозир дамлаб берувдим-ку!

Раҳимжон. Чойинг ҳам ўзингга ўхшаган — баракаси йўқ...

Эрмат. Сизга чой чидамайди, бўйнингизга бир хум айрон осиб қўя қолай! (Чиқади.)

Раҳимжон (кетидан). Айронни ўзинг ич, бўйинг ўсади...

Салтанат киради.

Салтанат. Раҳимжон ака! Раҳимжон ака!

Раҳимжон. Салтанат, мен бу ёқдаман!..

Салтанат пашшахонанинг бир чеккасини кўтаради.

Салтанат (энтикиб). Сизни қидира бериб оёғим-да оёқ қолмади, Раҳимжон ака!

Раҳимжон. Секретарь деган раисни қидиргани яхши-да!.. Нафасингни ростлаб ол.

Салтанат. Кейин ростлайман... Комсомоллар келишди — бир...

Раҳимжон. Э-э-э, келишдимми? Шундоқ демайсанми?

Салтанат. Айтаётибман-ку!..

Раҳимжон. Ўзим кутиб олишим керак эди-я! Чой, овқат...

Салтанат. Айтдим, овқатга уринаётибди — икки... Ётоқхонани тайёр қилдириб қўйган эдим — уч...

Раҳимжон (хурсанд бўлиб). Аммо-лекин кети-ворган секретарсан-да!.. Сал семирсанг раис бўласан!.. (Шофёрга.) Карим, мунча ивирсидинг, бўлдингми?

Товуш. Машина тайёр!

Раҳимжон (машина томон юради). Салтанат, раисга етиб юр...

Салтанат (кетидан чопиб). Мавлон аканинг жияни келди. Куёви ҳам келибди...

Раҳимжон (*тўхтаб*). Ие, Мавлон ака даяда юрибди...

Салтанат. Мавлон ака правлениеда. Комсомоллар билан гаплашиб ўтирибди.

Раҳимжон (*завқ қилиб*). А! Комсомолларни ҳаммадан олдин кутиб олди дегин!.. Оббо Мавлон ака-е, ҳар ишда биринчи-я!.. Жонинг роҳат қилади.

Иккови чиқиб кетади. Машина жўнайди.
Мавлон, Ҳафиза, чамадон кўтариб Деҳқонбой киради.

Мавлон (*уйни кўрсатиб*). Мана, Ҳафиза, тоғаннинг уйи. Ўз уйинг (*бирдан*). Қап-катта бўлиб қолипсан-а, жияним!.. Ўзим ҳам Деҳқонбой билан келарсан деб ўйлаган эдим.

Ҳафиза уялиб уйга кириб кетади.

Қани, Деҳқонбой, уйга кирайлик...
Деҳқонбой. Ҳозир, тоға...

Мавлон Деҳқонбойнинг қўлидаги чамадонлардан бирини олиб уйга киради. Деҳқонбой қолган чамадонни ерга қўйиб атрофга қарайди. Мавлон қайтиб чиқади.

Мавлон. Ҳа, қандай биёбонга келиб қолдим деб чўчиб кетдингми?

Деҳқонбой. Йўқ, тоға, чўчиганим йўқ...

Мавлон. Ҳимм. Мирзачўлдан ҳозир ҳам чўчийдиган одамлар бор. Илгариги Мирзачўлни кўрганинг йўқ. Мен келганда мана шу ерларда гиёҳ унмас эди. Одам кам... одам ҳозир ҳам кам... Машина кам эди. У вақтда Фарҳод йўқ эди. Зовурлар қазидим, ариқлар чиқардим... Йўл бўйидаги теракларни кўрдингми?

Деҳқонбой. Кўрдим...

Мавлон (*керилиб*). Мен экканман!.. Тутни кўрдингми?

Деҳқонбой. Яхши ўсибди.

Мавлон. Мен экканман!.. Уйни кўрдингми? Емонми? Тўғри, яхши ҳам эмас. Лекин нон ҳам нон, нон ушоқ ҳам нон. Қапаларда, ертўлаларда турганмиз... Колхозни уй бадавлат қилмайди, пахта бадавлат қилади. Мавлонни Мавлон қилган уй эмас, пахта! (*Уйдан чиққан Ҳафизага*.) Шундоқ эмасми?

Ҳафиза. Тўғри, тоға...

Мавлон. Мен самовар қўяй...

Деҳқонбой. Ҳожати йўқ.

Ҳафиза. Ўзим қўяман, тоға... Айтгандай, аям майда-чуйда бериб юборган эдилар. (*Чамадонни очмоқчи бўлади*.)

Деҳқонбой. Шошманг, Ҳафизахон, аввал анжирни есинлар, ачиб қолади. (*Пақирдаги анжирнинг юзини очади*.)

Мавлон (*анжирдан бирини оғзига солади*). Байбай-бай...

Ҳафиза. Самоварингиз қаерда?

Мавлон. Уйни қара-чи.

Ҳафиза уйга киради.

Мавлон. Пахта мени кўрса яйрайди... Менинг бригадам қанча пахта беришини ҳозир сенга айтмайман... Мавлоннинг бригадаси қанча пахта беришини ўзинг чамалаб кўра қол. Қолган кўсагимни кўрсанг биласан. Қачон далага чиқамиз.

Деҳқонбой. Ҳозир десангиз, ҳозир чиқамиз-да.

Мавлон. Йўқ, қоронғи тушсин... Мени парторг кўриб қолса хафа бўлади.

Деҳқонбой (*ҳайрон бўлиб*). Нега? Бригадирни ўз даласига қўймайдими?

Мавлон. Тобим йўқ... безгак... парторгга тузалмагунимча далага чиқмайман деб сўз берганман.

Ҳафиза (*уйдан чиқиб*). Тоға, самоварингизни тополмадим.

Мавлон. Келинойинг шаҳарга кетгандан бери ўзим ҳам ҳеч нарсани тополмайман. Юр, қазноқни қарайлик-чи.

Иккови чиқиб кетади. Деҳқонбой чамадон ва пақирни олиб уйга киради.

Қўзиев (*товуши*). Юсуф, сен кетавер. Мен бригадирга учрашмоқчиман.

Қўзиев киради ва Мавлоннинг эшигини қоқади.
Деҳқонбой уйдан чиқади.

Қўзиев (*афтига қарамай*). Салом, Мавлон ака, мен яна ўша масала билан келдим. (*Деҳқонбойни кўриб*.) Ие, кечирасиз... бригадир уйдаими?

Деҳқонбой. Ҳозир, айтиб келаман...

Қўзиев. Йўқ, йўқ; овора бўлманг, туратураман...

Кечирасиз, сизни биринчи кўришим, колхозга яқинда келдингизми?

Деҳқонбой. Шу бугун келдим.

Қўзиев. Шунақами?.. Қалай, Мирзачўл?..

Деҳқонбой. Ҳали ҳеч қаерни кўрганамча йўқ.

Пауза

Қўзиев. Папирос чекасизми?

Деҳқонбой. Чекаман.

Қўзиев (*папирос узатиб*). «Давай, закурим това-рищ, по одной...»

Деҳқонбой. «Давай, закурим, товарищ мой...»

Қўзиев Деҳқонбойга, Деҳқонбой Қўзиевга папирос беради, бир-бирининг гугуртидан папирос тутатади.

Деҳқонбой (*Қўзиевнинг лентасига ишора қи-либ*). Урушга борган экансиз...

Қўзиев. Сиз-чи?

Деҳқонбой. Мен ҳам борганман.

Қўзиев (*хурсанд бўлиб*). Шунақами?.. Сўрашиб қўяйлик бўлмаса... (*Қўл бериб*.) Ҳошим, Ҳошим Қў-зиев...

Деҳқонбой. Деҳқонбой. Немисни қаергача қувиб бордингиз?

Қўзиев. Немисга етолмадим, ака, келишда қадам-лаб келди-ю, қочишда ёмон ҳам шаталоқ отиб қочди-е! Уруш бўлган жойларни кўрдим, холос. Бутун урушни кўприк солиш, кўприк тузатиш билан ўтказдим. Насиб экан-да...

Деҳқонбой. Медалингиздан кўприк солиш ҳам жанговар ишга ўхшайди-ку.

Қўзиев. Уҳў, ҳар кўприклар солдикки!.. Будапешт-дан қайтдим. Биз солган кўприклардан ўтгандирсиз...

Деҳқонбой. Мен Шарқий Пруссияда эдим.

Қўзиев. Бошқа томонда экансиз-да. Мирзачўлга қаердан келдингиз?

Деҳқонбой. Анжан областидан.

Қўзиев. Бу ерга ҳам бошқа томондан келган экан-сиз-да? Мен Самарқанд области, Узғариш қишлоғидан. Қишлоғимизнинг эски оти Сийқа танга эди. Эшитган-дирсиз?

Деҳқонбой. Сийқа танга? (*Кулиб*.) Илгари хўп, галати отлар қўйишар экан-да. Сийқа танга-я!..

Қўзиев. Қишлоғимизда бир бой ўтган экан. Шу бой мачит солмоқчи бўлиб битта уста ёллабди. Бой ус-тага ҳар ҳафта ярим танга берар экан. Уста ярим тан-гани олиб ўша куни бойнинг хотинларидан бирига берар экан... Қандоқ қилсин, у вақтда уйланиш қийин, бўй-доқчилик... Бой ҳалиги тангани хотинидан тортиб олиб, бир ҳафтадан кейин яна устага берар экан. Шунақа қилиб, танга қўлдан-қўлга ўтавериб сийқа бўлиб кетган экан!

Деҳқонбой (*кулиб*). Мачит битибдими?

Қўзиев. Танга ўтмас бўлгандан кейин масжид ора йўлда қолиб кетибди... Узимизнинг қишлоқда бир мак-таб, бир клуб, қанчадан-қанча уй-жой солганман...

Деҳқонбой. Винокормисиз? Яхши...

Қўзиев. Э, ака, жон-дилим иморат!.. Бугун қарай-сизки, қуруқ ер, бақа сакраб юрибди; эртага қарайсиз-ки, лой, тараша. Бир вақт келиб қарайсизки, бир томонда райҳон, бир томонда жамбил, ҳаворанг дераза, пушти парда, нозанин ёр... (*Уф тортиб*.) Лекин бу ерда... (*Жим қолади*.)

Деҳқонбой. Бу ерда шўр иморатнинг офати бўл-са керак?

Қўзиев. Гап шўрда эмас!

Деҳқонбой. Нимада?

Қўзиев. Қўйинг, танишган замонимиз ҳасрат қил-май...

Деҳқонбой. Сабр қилсангиз, ҳаворанг дераза ҳам бўлади, пушти парда ҳам бўлади. Қанақа ёр дедин-гиз ҳали?

Қўзиев. Нозанин ёр...

Салтанат (*товуши*).

Поезд келади шошиб,
Шунда келган ёрмикин?..

Қўзиев (*уни қаршилаб*).

Тоза қаранг, ўртоқжон,
Менинг ёрим бормикин?..

Салтанат киради.

Лабларинг лаълу, тишинг гавҳар, кўзинг ферузадай.
Икки бетинг қип-қизил — хумдонда пишган кўза-дай... Салтанат! Жоним!

Салтанат (жержиб). Гапирманг!.. Утган куни
Қўзиев билан нима деб лақиллашиб турган эдингиз?

Қўзиев. Йўл тўғрисида гаплашдик.

Салтанат. Йўл тўғрисида хир-хир кулмасдан
гаплашиб бўлмас эканми?

Қўзиев. Ахир, бу йўлларни кўрмайсанми, турган-
битгани кулги-ку, дўқир-дўқир...

Салтанат. Эргалаб нима тўғрисида гаплашиб
турган эдиларинг?

Қўзиев. Тахта тўғрисида.

Салтанат. Тахтанинг ҳам турган-битгани кулги
эканми? (Деҳқонбойни кўриб қолади.) Шошиб туриб-
ман... Бугун соат саккизда комсомол мажлиси бор.
(Деҳқонбойга.) Ҳафизахонга ҳам айтиб қўйинг.

Қўзиев. Салтанат, мажлисда бирга ўтираемизми?

Салтанат (кўз қисиб). Хайр, Ҳошим ака... (Чо-
пиб чиқиб кетади.)

Деҳқонбой. Нозанин ёрнинг тайёридан борга ўх-
шаб қолди-ку.

Қўзиев. Нозанин ёр борку-я, лекин... ((тажанга
бўлиб, қўл силтаб) бўғилиб кетасан киши!..

Деҳқонбой. Ҳа, нега бўғиласиз?

Қўзиев. Бўғилмасдан бўладими?.. Мен бинокор-
ман. Колхозда бинокорлик масаласи думи хуржунда
бўлгани учун келганимдан бери пахтада ивирсиб юриб-
ман! Пахтани билмайман! Мен бинокорман ахир!.. Кол-
хознинг бир вагондан ортиқ тахтаси бор, ҳар кўрганам-
да юрагим эзилиб кетади: нотўғри тахлашган! Брига-
дирга шунча айтаман: «ҳой ака, менга икки соатгина
жавоб беринг, шунини бошқатдан тахлаб қўяй» дейман.
Қаёқда!.. Ана, дейди, мана, дейди. Ҳозир яна бир айтиб
кўраман, йўқ деса раисга арз қиламан, парторгга бориб
дод дейман!..

Деҳқонбой (ҳайрон бўлиб). Бригадирингиз Мав-
лон аками?

Қўзиев. Ҳа-да!.. Танийсизми?

Деҳқонбой. Мавлон ака қаллигимнинг тоғаси
бўлади.

Қўзиев. Э, саломат бўлсинлар!.. (Кетмоқчи бў-
лади.)

Деҳқонбой. Тушунолмадим... Мавлон ака яхши
бригадир-ку...

Қўзиев. Мен ҳам шунақа деяпман-ку...

Ҳафиза (жаради). Салом... (Уйга кириб кетади.)

Қўзиев. Сизнинг нозанин ёрингизми?

Деҳқонбой. Ҳа... қаллигим.

Қўзиев. Дуруст, дуруст...

Ҳафиза (уйдан пақир кўтариб чиқади). Кечира-
сиз, сувни қаердан оласизлар?

Қўзиев. Сувними? Сувни каналдан олиб келамиз.
Пақирни беринг, олиб келиб бераман.

Деҳқонбой. Йўқ, ўзим...

Деҳқонбой пақирни Ҳафизанинг қўлидан олади.

Ҳафиза. Мен ҳам бораман.

Қўзиев (йўл кўрсатиб). Мана шундоқ тушиб, ав-
вал ўнгга, кейин чапга буриласизлар.

Ҳафиза билан Деҳқонбой чиқиб кетади.
Бўш чойнак, термос кўтариб Эшмат киради.

Қўзиев (қайтиб Мавлоннинг эшиги олдига ўтира-
ди, ўзича). Кутаман! Қўймайман! (Бармоғи билан са-
наб.) Тахта, Чий. Қўсақ... Йўқ, кўсақ керакмас!

Эрмат. Бу ишда бари бир барака топмайсан, ука,
қўй, гишту тахта деб жонингни ҳалак қилма, чаққонгина
йигит экансан, менга шогирд туша қол! Ўзим пуфлаб,
туфлаб парвариш қилсам уч йилда дидлик, таъби но-
зик, кетиворган самоварчи бўлиб етишасан! Хўп дегин!

Қўзиев (калака қилиб). Шунақами?

Эрмат. Баъзи бир тўқимтабиат самоварчилардан
бўламан десанг уч ҳафта ҳам етади. Мен сени аста-
секин учирма қиламан: аввал мана бунақа чойнак йиға-
сан, ундан кейин ўтин-кўмирга қарайсан; бир оз қўлинг
келгандан кейин хум тўлдирасан, чойнак-пиёла арта-
сан; бу ишда машқинг роса бўлгандан кейин келгани
кутиб, кетгани кузатасан; ана ундан кейин...

Қўзиев. Биласизми, Эрмат ака...

Эрмат. Биладан, биладан, ҳаммасини ўргатаман!

Қўзиев (афсусланиб). Бинокорлик бригадаси йўқ-
да, бўлганда мен сизни бунақа судраб юрмас эдим, дар-
ров битта тешага даста қилиб белимга қистириб олар
эдим!

Эрмат (аччиғи келиб). Нодон! Бир куни ялиниб
келарсан! Унда самоварга карнай ҳам қилмайман!

Мавлон киради.

Раисни кўрмадингизми?

Мавлон. Ҳозир самоварга қараб кетди.

Қўзиев. Тахта, гишт...

Мавлон. Ҳа, гишт жиннис! Ишлар қалай? Даладан келдингми? Мен йўқ, иш қанақа бораётибди? Қанча кўсак тердиларинг?

Қўзиев. Тердик...

Мавлон. Сен ўзинг қанча тердинг?

Қўзиев. Тердим...

Мавлон. Бугун ҳам 50 кило тергандирсан-да!.. Пахта деса саратонда кўлинг совқотади... (Пашишахонага киради.)

Қўзиев. Бугун эллик кило терганим йўқ...

Мавлон (бошини чиқариб). Ростданми? Кўпроқ тердингми? Қанча?

Қўзиев. Бугун қирқ уч кило тердим... Кўсак те-ришга уқувим йўқ.

Мавлон (анграйиб туриб бирдан). Минг лаънат! (Пашишахонани ёпади, яна очади.) Менга қара, Қўзиев, ҳеч ўйлайсанми? Фикр-ёдинг нимада ўзи?

Қўзиев. Тахтада.

Мавлон. Минг лаънат! Кеча гиштан теккан эди, энди тахтадан тегибди-да!

Қўзиев. Уч-тўртта одам беринг, шуни бошқатдан тахлаб кўяй!

Мавлон (бўғилиб). Менга тахта эмас, пахта керак! Пахта!!

Қўзиев (ялиниб). Шундай яхши тахта чириб кетади, Мавлон ака!..

Мавлон (бирдан юмшаб). Бери кел. Қўрқма, берироқ кел! Менга қара, Қўзиев, сен Мирзачўлга нимага келдинг? (Тажанг бўлиб.) Эртага раисга айтаман, сени колхоздан жўнатсин.

Қўзиев. Тахта нобуд бўлади, Мавлон ака...

Мавлон (хуноб бўлиб). Эртага эмас, ҳозир айтаман! (Туради.) Ҳозир бориб айтаман. Менинг бригадамда қирқ уч кило кўсак терса-я! Мавлоннинг бригадасида қирқ уч кило терса-я. «Пахта» десам, «тахта» дейди... Такасалтанг!..

Қўзиев (аччиғи келиб). Ким такасалтанг?

Мавлон. Сен... Шаҳрингга бориб гиштингни тер, Мирзачўлга келишни сенга ким қўйган эди! (Чиқиб кетади.)

Салтанат киради.

Қўзиев. Кетаман! Колхоздан кетаман!.. Бутунлай кетаман...

Салтанат. Қаёққа? Одамлар келаётибди-ю, сиз кетасизми?

Қўзиев жаҳл билан чиқиб кетади.

Салтанат. «Кетаман? Бутунлай кетаман?» (Ийғалайди.) Энди нима қиламан?..

Одилов киради.

Одилов. Ҳа, Салтанат, нима бўлди?.. Салтанат, гапирсанг-чи!

Салтанат (ийғлаб). Ҳошимжон акам кетармишлар...

Одилов. Қўзиевми? Қаёққа?

Салтанат (ўпкасини туюлмай). Қолхоздан кетармишлар... Бутунлай кетармишлар...

Одилов. Шунақами? Кутмаган эдим... Яхши комсомол эди-ку...

Салтанат (ийғлаб). Бирам яхши эдики...

Одилов. Хўп, гаплашиб кўрамиз.

Салтанат (ёлвориб). Гаплашинг, Одилов ака... Ҳозир гаплашинг...

Одилов. Хўп. Қаёқда ўзи?

Салтанат. Ҳозир топиб келаман...

Одилов (Салтанатни тўхтатиб). Шошма! Ана у Мавлон аканинг жияними?

Салтанат. Ҳа. Ана у куёви... (Ийғалайди.)

Деҳқонбой билан Ҳафиза киради.

Ҳафиза. Деҳқонбой. Салом.

Салтанат. Танишинглар, бизнинг парторг... (Чиқиб кетади.)

Одилов. Хуш келибсизлар... Қалай, ўрнашиб олдиларингми?

Деҳқонбой. Ҳафиза тоғасиникида туради. Мен, ётоққа ўрнашдим. Кечирасиз... (Сувни уйга олиб киради.)

Ҳафиза. Сув узоқроқ экан.

Одилов. Каналдан қишлоққа қувур ётқизилса бўлар эди, бироқ қийин, одам етишмайди... Мана энди сизлар ёрдам қиласизлар. Ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Деҳқонбой (*уйдан чиқади*). Мавлон ака қани?
Одилов. Тоғангиз ўзини эҳтиёт қилмайди. Бугун қимирламай ётаман деб менга сўз берган эди... Хўп яхши пахтакор-ку, лекин... Ўзингиз яхши биларсиз? (*Деҳқонбойга*.) Қалай, Мирзачўл ёқдим?

Деҳқонбой. Нима деса экан... Йўқ, ёқмади.

Одилов. Ҳм... (*Ҳафизага*.) Сизга-чи?

Ҳафиза. Менга ҳам ёқмади. Биласизми, бизнинг Ўзбекистон шоҳи сўзана, Мирзачўл мана шу шоҳи сўзанага тушган чипта ямоқ!

Деҳқонбой. Қишлоғимизда обком вакили шундоқ деганда мен бу гапнинг маъносига унча тушунмаган эканман, Мирзачўлни кўриб мана энди тушундим.

Одилов (*икковига ер остидан разм солади ва ўйланиб туриб*). Чипта ямоқ... Мирзачўлни ҳам шоҳи сўзанага айлантираман.

Деҳқонбой. Кечирасиз... Биз Мавлон аканинг бригадасида ишласакмикин деган эдик. Ҳужумда тажрибали командир яхши-да.

Одилов. Мирзачўлга ҳужум қилмоқчимисизлар? Мен раисга айтиб кўраман. Бирга айтаман.

Ҳафиза. Раҳмат...

Одилов. Ҳужум қиламиз денг... Ҳужум яхши нарса... баъзи одамлар чекинмоқчи...

Деҳқонбой. Комсомолларданми?

Одилов. Битта комсомол. Сизлардан аввалроқ келган бир йигит. Қўзиев деган...

Деҳқонбой. Ҳошим Қўзиевми? Ундоқ эмасдир... Мен боя гаплашган эдим. Бинокор экан. Пахтани унча билмайман дейди. Бинокорликдан гапирсангиз кўзлари чақнаб кетади. «Қолхознинг тахтаси бор экан, нотўғри тахлашган, чириб кетади» дейди. Шу тўғрида гаплашгани Мавлон аканинг олдига келган эди.

Одилов. Мавлон аканинг олдига?! Тахта тўғрисида?! Ҳим... маълум бўлди... Шунинг учун кетаман деган экан-да. Мавлон ака пахтадан бошқа нарсани тан олмайди. Қўзиевга сушилка солдириш керак... Хўп, бу тўғрида гаплашамиз... Хўш, ўзингиз-чи, ўзингиз нима иш қилар эдингиз?

Деҳқонбой. Пахтакорман... Кейинги вақтда бригадир эдим.

Одилов. Бу ерда нима иш қилмоқчисиз?

Деҳқонбой. Катта ниятлар билан келганмиз...

Одилов. Эшитсак мумкинми?

Деҳқонбой. Мумкин. Урушдан қайтишда Тош-

кентга тушдим. Қизил майдонни кўрдим. Навоий театрини кўрдим... Эскижўвага бордик. Бир томон боғ, бир томон стадион, театр, кино... Ҳайрон бўлдим, бунинг нимаси Эскижўва, нима учун Эскижўва?..

Одилов. Эскидан қолган от.

Деҳқонбой (*шавқ билан*). Бир вақти келиб Мирзачўл ҳам шунақа эскидан қолган от бўлиб қолса, келган одам: «Бунинг нимаси Мирзачўл? Нима учун Мирзачўл?» деса... Менинг орзум, бизнинг орзумиз мана шу!

Одилов (*Деҳқонбойга бошдан-оёқ разм солиб*). Кўп яхши орзу!..

Раҳимжон ҳовлиқиб киради.

Раҳимжон. Иш чатоқ, Мавлон ака ётиб қолди. Идорага келган эди, бирдан безгак титратса бўлади-ми?!

Ҳафиза. Қаердалар?

Раҳимжон. Идорада. Диванга ётқизиб қўйдим. Салтанат қараб турибди.

Ҳафиза югуриб чиқиб кетади.

Одилов (*Ҳафизанинг кетидан чиқиб кетмоқчи бўлган Деҳқонбойга*). Шошманг... (*Раҳимжонга*.) Докторга одам юбордингизми?

Раҳимжон. Юбордим. Қўзиев кетди.

Одилов. Мавлон ака бу ерда ётмайди ҳам, тузалмайди ҳам!

Раҳимжон. Районга, касалхонага юборамиз.

Одилов. Райондан қочиб келади. Тошкентга юбориш керак!

Раҳимжон. Аттанг!.. Шундай долзарб вақтда энг яхши бригадиримиз ётиб қолди-да!

Қўзиев (*киради*). Келди, доктор келди!..

Раҳимжон. Баракалла!

Одилов (*ўйлаб туриб*). Мавлон ака тузалиб келгунча бригадирликка...

Раҳимжон. Ҳайронман, кимни қўямиз?

Одилов. Деҳқонбойни қўйсак-чи?

Деҳқонбой. Меними?

Қўзиев (*суюниб*). Жон ака, хўп денг! Уч-тўрт кун бўлса ҳам орқамга офтоб тегсин!

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

Уша сахна, фақат сўри йўқ. Орадан икки ҳафта ўтган. Ғўзапоя йиғиб олинган. Одиллов бошлиқ комсомоллар зовур тозалашмоқда. Қўзиев зовурга солинган кўприкни битирмоқда. Унинг олдида патефон ашула айтмоқда.

Одиллов. Ҳа, баракалла!.. Деҳқонбой, қани нари ёққа ўтинлар-чи.

Одиллов билан Қўзиевдан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

Қўзиев. Пахтани йиғиб-териб олдик, зовурларни ҳам бугун тозалаб бўламиз, шудгорни трактор қилади, одамлар бўшайди... Бинокорликни ҳозир бошламасак, қачон бошлаймиз?

Одиллов (*кулиб*). Бошладинг-ку! Хамирнинг учидан патир деб сушилка солдинг-ку!

Қўзиев. Сушилка нима?.. Уй керак, клуб керак...

Одиллов. Шундоқми?.. Эртага бўладиган правление мажлисида биринчи масала — бинокорлик бригадаси тузиш масаласи! Бўлдими?

Қўзиев (*мамнуният билан*). Бўлди... (*Патефонни кўтариб кетмоқчи бўлади.*) Мумкинми... яна битта савол...

Одиллов. Хўп.

Қўзиев. Музикани яхши кўрасизми?

Одиллов. Нима эди?

Қўзиев. Қолхозда биронта чолғу асбоби йўқ.

Одиллов. Нега? Танбур, дутор...

Қўзиев. Қачонгача дуторнинг қорнини қашлаймиз? Деҳқонбой менга духовой оркестр ташкил қилишни топширди. Комсомол комитетининг топшириғи! Бажармаслик мумкинми? Раҳимжон акага чолғу олиб беринг десам, «мактабда пианино бор, пианино чалиб туринглар» дейди.

Одиллов. Хўп, буни ҳам гаплашамиз.

Қўзиев. Яшанг.

Қўзиев чиқиб кетади.

Раҳимжон (*киради*). Салом, ўртоқ Одиллов. Зовурларни бугун тозалаб бўламиз чоғи?

Одиллов. Албатта!

Раҳимжон. Ешлик хўп яхши-да!.. Комсомолларни кўрсам, жоним роҳат қилади. Нима ишга ёпишса, ўн қўллаб ёпишади-я! Ут! Олов!..

Одиллов. Деҳқонбойни комсомол комитетининг секретарлигига тавсия қилиб янглишмабмиз.

Раҳимжон. Уҳў, нимасини айтасиз!.. Раисга тиним йўқ. Раис озадиган бўлди. Сиз Қисловодска боргин дейсиз, мана Қисловодск!.. Жонинг роҳат қилади. (*Мамнуният билан.*) Ҳафизани айтмайсизми?.. Иккови бир олманинг икки палласи!

Одиллов. Қўзиев-чи?

Раҳимжон. Қўзиевми? Қўзиев ўша олманинг учинчи палласи-да! Сушилкасини қаранг, жонинг роҳат қилади...

Одиллов. Бинокорлик бригадасига шунинг ўзини бригадир қила қолсак нима бўлади?

Раҳимжон. Иккала қўлимни кўтараман! Ўзи билан гаплашиш керак.

Салтанат (*товуши эшитилади*). Раҳимжон ака! Раҳимжон ака!

Салтанат югуриб киради.

Сизни қидира бериб оёғимда оёқ қолмади. Райвод-хозга телефон қилар эмишсиз — бир; райижроком сводка сўраётибди — икки; ёнилғи олиб келишди — уч; эртага идорада ўтирмайман, комсомоллар билан далага чиқаман — тўрт...

Раҳимжон. Менга қара, Салтанат!

Салтанат. Чиқма демоқчимисиз? Мен ҳам комсомолман, чиқаман. Гапингизга қулоқ солмайман.

Раҳимжон. Хўп, эртага қулоқ солмасанг майли, лекин бугун қулоқ сол. Қўзиевга айт, менга учрашсин (*Салтанатни тўхтатиб*). Шошма, телеграммани юбордингми?

Салтанат. Қанақа телеграмма?

Раҳимжон. Мавлон акага... э-э-э. (*Пешонасига уриб.*) Телеграммани ўзим юбормоқчи эдим-а!.. Эсимдан чиқибди.

Салтанат. Яхши бўлмабди. Мавлон ака касалхонада егани ичига тушмаётгандир. Ўзингиз биласиз-ку, Мавлон акани...

Раҳимжон. Ҳой, аттанг!

Салтанат. Бармогингизни буксангиз эсингиздан чиқмас эди.

Одиллов. Салтанат, почтага ўзинг бориб келгин.

Раҳимжон. Машинада бориб келасан.

Салтанат (бармоғини букиб). Телеграмма —
икки... Беринг!

Раҳимжон (Одиловга қоғоз бериб). Сиз ёзинг.
(Тенадаги чироқни ёқади.)

Одилов (ёзади). «Тошкент... касалхонаси...»

Раҳимжон. «Пахтани муддатидан олдин йиғиб-
териб олдик. Сизнинг бригадангиз планни биринчи бў-
либ бажарди...» Зовур тўғрисида ҳам ёзиш керакдир?

Одилов. Албатта!

Салтанат. «Тезроқ тузалиб келинг...»

Одилов. Тўғри. Ма, Салтанат (қоғозни беради).

Салтанат (қоғозни папкага солади ва Раҳим-
жоннинг бармоғини букади). Райводхозга телефон қи-
линг, эсингиздан чиқмасин — бир!..

Раҳимжон. Ҳозир идорага бораман (Одиловга).
Сиз қаяёққа?

Одилов. Деҳқонбой билан гаплашмоқчиман.

Салтанат (йўлга қараб). Деҳқонбой акам кела-
ётибдилар.

Раҳимжон. Қани? Ҳа, тамом, зовур битибди!

Комсомоллар ашула айтиб кетишади. Ҳафиза билан Деҳ-
қонбой саҳнада қолади.

Деҳқонбой. Рапорт беришимиз мумкин: ҳамма
зовурларни тозалаб бўлдик.

Раҳимжон. Баракалла!.. Ут! Олов! Салтанат,
сводка ёз! (Шофёрга.) Карим! Идорага кетдик.

Раҳимжон билан Салтанат кетади. Машина жўмайди.

Одилов. Ҳорманглар энди! Ҳужум давом этаётиб-
дими?

Деҳқонбой. Бутун фронт бўйлаб ҳужум давом
этаётибди.

Одилов. Бутун фронт бўйлаб? Айтгандай, ипак-
чилик бригадаси тўғрисида ҳам ўйлаб кўрдиларингми?

Ҳафиза. Иккита кружок ташкил қилишга тўғри
келаётибди.

Деҳқонбой. Ҳа, кампирларга алоҳида кружок
ташкил қиламиз.

Ҳафиза. Кампирлар деманг!.. Урта ёшлик жувон-
лар...

Одилов. Хўп, хўп. Урта ёшлик жувонлар ҳам
рози бўлишибди-да. Кўп яхши. Узингиз бригадир бў-
ласиз.

Катта ашула.

Деҳқонбой (ташқарига). Ҳо, Эрмат ака! Чойга
биз ҳам ёзилганмиз!

Эрмат (товуши). Ҳозир...

Шогирди билан бир қанча чойнак кўтариб киради.

Жудаям зиҳни хит шогирд чиқдинг-да! Минг марта
айтдим, чойни мана бундоқ кўтаради киши! Ургатабе-
риб эзилиб кетдим-ку!

Одилов. Ҳа, шогирд олганингиздан бери яна чў-
кибсиз!..

Кулги

Эрмат (Одиловнинг қулоғига ишора қилиб). Ҳеч
қулоғига гап кирмайди...

Кулги

Одилов. Қулоғига бўйингиз етмагандир-да!

Деҳқонбой. Соат чўнтакка оёқ қўйиб, елкасига
миниб гапирмабсиз-да!

Эрмат. Кичкина деманг бизни, кўтариб урай сиз-
ни...

Ҳамма. Кичкина, кичкина, кичкинажон-кичкина,

Одилов. Яна нима гап?

Деҳқонбой. Иш кўп, ўртоқ Одилов... Нимадан
бошлашимни ҳам билмайман.

Одилов. Овқат едиларингми?

Ҳафиза. Йўқ.

Одилов. Мана шундан бошлаш керак.

Ҳафиза. Йўқ, бир нарса айтмоқчи эдим...

Одилов. Аввал таом, баъдаз калом.

Деҳқонбой. Тўғри, ўртоқ Одилов (Ҳафизага
ишора қилиб), тўқ бола оч болани ўйламайди. (Ҳафи-
зага.) Оч бола тўқ бола билан ўйнамайди.

Ҳафиза. Хўп, овқат пишириб бераман. (Уйга ки-
риб кетади.)

Хор

Деҳқонбой. Мавлон аканинг ётиб қолгани ёмон
бўлди-да, Янги ер очишда бизга катта ёрдами тегар
эди. Тажрибаси бор, ернинг тилини билар эди. Биз
Мирзачўлда ҳали янгимиз.

Одиллов. Мирзачўлда бир вақтлар ҳамма, ҳатто Мавлон аканинг ўзи ҳам янги эди. Сизлар, янги бўлсаларинг ҳам, янгидан-янги масалалар кўтараётибсизлар. Ботқоқнинг нариги томонидан олинадиган зовур тўғрисида бир фикр чиқиб қолди. Мен агроном билан гаплашган эдим...

Деҳқонбой (қизиқиб). Қанақа фикр экан?

Одиллов. Шу зовур ана у томондан... ҳу, ана у, ердан олиб ўтилса...

Деҳқонбой. Ичкарида план бор, кирайлик!

Одиллов. Юринг-чи... Шу зовурни...

Одиллов билан Деҳқонбой уйга кириб кетади.

Салтанат (киради). Одиллов ака! Одиллов ака!..

Хафиза (эшикдан бошини чиқариб). Келинг, Салтанатхон, уйдалар... (Салтанат уйга кириб кетади).

Қўзиев патефон кўтариб киради ва ашулага қўшилади. Салтанат уйдан чиқади. Қўзиевнинг орқасига келиб туради ва у ҳам ашулага қўшилади.

Қўзиев (аланглаб, сўнг Салтанатни кўриб). Салтанат!..

Салтанат (аразлаб). Шунақа экан-да, идорага бир кирай ҳам демайсиз! Қаерларда юрасиз?

Қўзиев. «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир» деган экан шоир.

Салтанат. Қанақа шоир экан у, кўнглини суйганига ташлаб ўзи ҳар қаёқларда юрадиган?

Қўзиев. Шоир юрса юраверсин, мен келдим-ку...

Салтанат (аразлаб). Келганингиз маълум эмас...

Қўзиев. Жонимни жонингга қоқай!.. (Қўлидан ушлаб ўзига тортмоқчи бўлади.)

Салтанат. И-и, бу қўлимга тегманг; ишларим чалкашиб кетади... (Бармоқларини кўрсатиб.) Мана бу — агроном... мана бу — телеграмма... Мана бу сиз!..

Қўзиев. Шу-я. (Ўша бармогини ўпади.)

Салтанат. Раҳимжон акамга учрар эмишсиз. Сизни бригадир қилишмоқчи!

Қўзиев. Қанақа бригадир?

Салтанат. Бинокорлик бригадаси тузилади!

Қўзиев А! (Ирғишлайди. Салтанатнинг икки юзидан ўпиб, чиқиб кетади.)

Салтанат (қўлига қараб). Вей! ишларим чалкашиб кетди. Бу — телеграмма... бу-чи? (Эслаб.) Ҳа, агроном!.. (Чопиб чиқиб кетмоқчи бўлади.)

Чамадон кўтариб Мавлон киради.

Мавлон. Салтанат!..

Салтанат. Ким?

Мавлон. Салом, Салтанат!

Салтанат (ҳайрон бўлиб). Мавлон ака? Салом... Сиз ахир... Тошкентда... касалхонада эдингиз-ку...

Мавлон. Ҳа, Тошкентда, касалхонада ётибман. Бас ёганим! Нима қилиб юрибсан, бемаҳалда? Нега ухламадинг?

Салтанат. Ҳеч ким ҳам ухлагани йўқ.

Мавлон. Ҳеч ким ҳали ухлагани йўқ? Ҳим, аҳвол чатоқ дегин? Қўсак ҳали кўпми? Жуда кўпми?

Салтанат. Йўқ, Мавлон ака. Пахтани йиғиб-те-риб олдик. Далада бир туп ҳам гўзапоя қолгани йўқ.

Мавлон. Менга тасалли берма. Тасалли беришга докторлардан, профессорлардан уста эмассан.

Салтанат. Тасалли бераётганим йўқ. Сизга телеграмма юбормоқчи эдик.

Мавлон (тушунмай). Телеграмма? Келганим яхши бўлибди-да?

Салтанат. Йўқ, Мавлон ака, планни бажарганимиз тўғрисида телеграмма бермоқчи эдик, Мана!

Мавлон. Қани... (Ишонмай қоғозни олади ва чироққа солиб ўқийди.)

Салтанат (ўзича). Раҳимжон акага айтай... (Чопиб чиқиб кетади.)

Мавлон. Хайрият, йиғиб-те-риб олишибди... (Уйлаб.) Йўқ, менга тасалли бериб ёзилган гап бўлмасин тагин. Ҳа, албатта! (Тағкидлаб.)

Уйдан Хафиза чиқади.

Хафиза (Мавлонни кўриб). Тоғал!.. Салом! Тузалиб келдингизми? Икки ҳафтадан кейин келасиз деб эшитган эдик-ку.

Мавлон. Шовқин солма, жияним. Сестраларнинг шовқинидан қулоғимда қулоқ қолгани йўқ, энди сен ҳам борми... Утир! Салтанат қаёқдаги гапларни гапирди... Ростини айт, қанча қўсак қолди? Менинг бригадам қалай?

Ҳафиза. Вой, тоға... Кўсак қолгани йўқ!.. Бригадангиз биринчи бўлиб бажарди.

Мавлон. Ростми? Салтанат рост айтган экан-да. Телеграмма рост экан-да... Менинг бригадам биринчи ўринда дегин? Менинг йўқлигимни билдирмабсизлар-да. Баракалла!.. Қасалхонада икки ҳафта ётган бўлсам, икки ҳафта дунё кўзимга қоронғи бўлди: бригадам кўсакни йиғиб-териб ола олмаса, кўсак нобуд бўлса... ҳар йилги обрўдан маҳрум бўлсам!..

Ҳафиза. Биз қўярмидик!..

Мавлон. Баракалла! Доктор қилмаган давони сизлар қилдиларинг. Мана энди тузалдим. Қани, гапир, колхоз бўйича неча центнер, менинг бригадам бўйича неча центнер?

Ҳафиза. Колхоз бўйича йигирма етти, сизнинг бригадангиз бўйича ўттиз беш центнердан. Ҳозир Деҳқонбойни чақириб чиқай. (*Уйга киради.*) Деҳқонбой ака, тоғам келдилар!..

Мавлон (*хайрон ва дарғазаб бўлиб*). Ие, бу қандоқ бўлди, тўйсиз, никоҳсиз...

Ҳафиза ва ундан кейин Деҳқонбой чиқади.

Деҳқонбой. Салом, тоға!..

Деҳқонбой қулоч ёзиб боради, лекин Мавлон четга қараб бир қўлини бермоқчи бўлганда, уйдан чиққан Одиловни кўриб қолади-да, Деҳқонбой билан қучоқлашиб кўришади.

Одилов. Салом, Мавлон ака.

Раҳимжон келади.

Раҳимжон. Салом! Муддатидан илгари келибсиз-да. Ҳозир колхозда ҳамма иш муддатидан илгари бўлаётибди!..

Мавлон. Утиринглар, ўтиринглар. Раҳмат... Бригадирни йўқлаб телеграмма юборибсизлар...

Раҳимжон (*хижолат бўлиб*). Э, Мавлон ака, айб менда: телеграммани ўз қўлим билан юбораман деб, эсимдан чиқибди.

Мавлон. Нега? Олдим. Мана.

Раҳимжон. Ие, дарров олдингизми?

Одилов (*кулиб*). Салтанат берган телеграмма телеграммадан ҳам тез боради.

Раҳимжон. Муддатидан илгари боради.

Мавлон. Қани, гапиринглар, қандоқ бўлди, нима бўлди? Менинг бригадам биринчи бўлиб бажарибдими?..

Раҳимжон. Деҳқонбойга қуллуқ қилинг.

Мавлон. Деҳқонбойга?

Одилов. Сизнинг ўрнингизни босиб турди, йўқлигингизни билдирмади.

Мавлон (*Деҳқонбойга*). Шунақами?

Деҳқонбой. Қўлимиздан келганча ҳаракат қилдик... Яна бир иш қилмоқчимиз, Мавлон ака.

Мавлон. Сен қилмоқчимисан? (*Кулиб.*) Йўқ, бригадир келди, ҳамма ишни энди бригадирнинг ўзи қилади.

Ҳафиза. Йўқ, тоға, аввал қулоқ солинг.

Мавлон. Бугун ишдан гапирмаймиз. Эртага гап-лашамиз.

Ҳафиза. Тоға, биз эртага...

Мавлон (*кулиб*). Тоғанг бир нима дегандан кейин дарров «хўп» дегин. (*Ярим жиддий.*) Тоғангни писанд қилмасанг, бригадирни писанд қилишинг керак... Икки ҳафта касалхонада ётиб далада ишлагандан кўпроқ чарчадим. Қўй, бир кеча дам олай. Вақтим чоғ... Менинг бригадам биринчи бўлиб бажарибди. Бугун бир айш қилайлик. Сен жиянман десанг ҳозир меҳмонларни зиёфат қилгин.

Одилов (*Деҳқонбой билан кўз уриштириб*). Кейинроқ бўлар, зиёфат қочмайди, Мавлон ака.

Деҳқонбой. Ҳозир мавриди эмас.

Мавлон (*ўпкалаб*). Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ.

Раҳимжон (*шошиб*). Бирпас ўтирайлик. Нима қиласизлар, бригадирни хафа қилиб.

Мавлон. Ҳа, баракалла... Бормисиз, раис! Ҳафиза, юр, винодан олиб чиқайлик.

Ҳафиза билан Мавлон чиқиб кетмоқчи бўлади. Қўзиевнинг товуши эшитилади: «Деҳқонбой ака!» Қўзиев киради. Мавлон рўпарасидан чиқиб қолган Қўзиевни кўриб, таъби хира бўлиб тўхтади, Ҳафиза чиқиб кетади.

Қўзиев. Салом, Мавлон ака!

Мавлон. Ҳали ҳам шу ердამисан?

Қўзиев (*норози тарзда*). Тузалиб келибсизда-а?

Мавлон (*Раҳимжонга*). Кетмабди-да. (*Деҳқонбойга*.) Бу такасалтангни бригададан ҳайдамадингми?

Раҳимжон. Э-э, Қўзиевни унақа деманг.

Деҳқонбой. Қўзиев такасалтанг эмас, Мавлон ака...

Мавлон. Шошма, Деҳқонбой! Ҳозир сен бригадир эмас, мен бригадирман. (Одиловга.) Менинг обрўйимни, бригаданинг обрўйини тўкади. (Раҳимжонга.) Бунинг масаласини ҳал қилиш керак эди.

Раҳимжон. Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бўлади.

Деҳқонбой. Қўзиевни билмайсиз, Мавлон ака.

Мавлон. Қим, менми? Мирзачўлга кеккайиб келиб қийқиллаб қочган бунақа жўжаҳўрозларни кўп кўрганман. Қетмонга тоби йўқ, «пахта» десанг, «тахта» дейди. (Қўзиевга.) Шунақами?

Қўзиев. Пахта ҳам керак, тахта ҳам керак, Мавлон ака!..

Мавлон (Одиловга). Ана, кўрдингизми, яна дўқ қилади!..

Одилов. Колхоз планини муддатидан олдин бажаришида шунинг тахтаси ҳам катта ёрдам берган бўлса нима дейсиз? Қўзиев солган сушилкани бир кўринг...

Мавлон. Қанақа сушилка? Янги сушилка солдимми?

Раҳимжон. Уҳў, шунақа сушилка солдики... жонинг роҳат қилади.

Мавлон. Шу Қўзиев-а?

Деҳқонбой. Ҳа, шу такасалтанг...

Мавлон (Қўзиевга). Шунақа ҳунаринг борми?

Қўзиев (мийғида кулиб). Бинокорлик ҳам ҳунарми... тахта нобуд бўлмасин дедим-да...

Ҳафиза вино олиб киради. Деҳқонбой унга қарашади.

Раҳимжон (Қўзиевнинг елкасига қўлини ташлаб). Қўзиевни бригадир қилсак деган фикримиз бор.

Мавлон (ҳайрон бўлиб). Қанақа бригадир?

Раҳимжон. Пахтани билмаса, ғиштни билади, тахтани билади. Бинокорлик бригадаси ташкил қилмоқчимиз, Мавлон ака.

Мавлон. Ҳимм, Шунга бригадир бўлади денг. Бу ғишту тахта деб одамларни ишдан қўймаса дейман.

Одилов. Бунинг бригадасига ҳаммамиз, бутун колхоз ёрдам бериши керак. (Қўзиевга.) Энди ярашинглар.

Раҳимжон (Қўзиевга). Қўлингни бер, Ҳошим.

Мавлон (Қўзиевга). Сен бизга ёрдам берибсан,

биз ҳам сенга ёрдам берамиз. (Қўл беради.) Қани ўтиринглар, меҳмонлар!

Ҳамма ўтиради.

Қўзиев, косагули бўлгин-чи... қуй винони! Езда ўз қўлим билан тарвуздан солган эдим. Ўз қўлим билан солганман! Хўп, қани, нима деб кўтарамиз?

Раҳимжон. Пешқадам бригадиримизнинг саломатлигига!

Одилов. Бригаданинг соғлигига...

Қўзиев. Ярашганимиз учун...

Ҳафиза. Тоғамнинг саломатликларига.

Деҳқонбой. Сафга қайтган командиримизнинг саломатлигига!

Қўзиев. Жуда ошириб юбордиларинг-ку!..

Мавлон. Раҳмат... (Қўзиевга.) Нима дединг?

Ҳамма ичади.

Қўзиев. Жуда яхши тарвуз экан-да, уруғини қардан топгансиз?

Мавлон (Ҳафизага). Иссиқ овқатинг ҳам борми?

Ҳафиза (товоқни очиб). Марҳамат, меҳмонлар...

Мавлон. Уҳ-ўҳ-ўҳ! Чучвара-ку!.. (Биттасини оғзига солади.) Ҳай-ҳай, оғизда эриб кетади-я!.. (Чучварага тикилиб, емай ўтирган Раҳимжонни кўриб.) Олинг, раис!

Раҳимжон (уф тортиб). Хамир овқат... семиртиради-да, қурғур!.. (Овқатга қўл узатиб.) Боринг, нима бўлса, бўлди!..

Қўзиев (ашула бошлайди).

Ўз яратган замонамиз, умримиз боқи.

Тўпланибдир ошноларнинг яқин-йироғи,

Ҳамма қўшилади:

Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин гул ёр
Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма бахтиёр.

Салтанат киради.

Мавлон. Утир, Салтанат, чучвара егин...

Салтанат. Раҳмат, Раҳимжон ака, сводкага қўй қўймабсиз. Райижрокомга юбориш керак!

Раҳимжон (*тегишиб*). Раисга тиним йўқ экан-да... (*Қоғозга қўл қўяётиб*.) Мана бунақа сводкага қўл қўйсанг, жонинг роҳат қилади. Ма, Салтанат!

Мавлон. Мумкинми, мен ҳам кўрсам...

Раҳимжон (*қоғозни узатиб*). Кўринг, жонингиз роҳат қилсин! Сизнинг бригадангиз зовур тозалашда ҳам олдинда борди, планни муддатидан олдин бажарди...

Мавлон сводкани кўриб таъби хира бўлади.

Мавлон (*қоғозни қайтариб беради*). Олдинда борган бригада менинг бригадам эмас. Менинг бригадам хатто рўйхатдан тушиб қолибди.

Ҳафиза. Нега? Қани?..

Деҳқонбой. Нима бўлиб тушиб қолади?

Раҳимжон (*сводкани диққат билан кўздан кечи-ради*). Тўққизинчи бригада... бригадир Деҳқонбой... Э, (*Салтанатга*.) бригадир Деҳқонбой эмас, Мавлон ака!

Салтанат. Икки ҳафтадан бери Деҳқонбой деб ёзиб юрган эдим.

Раҳимжон. Э, водон, унда Мавлон аканг йўқ эди, энди келди... Мана, кўриб турибсан-ку!

Ҳафиза (*Салтанатга*). Дарров тузатинг, Салтанатхон!

Салтанат. Бошқатдан ёзаман. Катта хато қилибман (*кетади*).

Одилов (*Мавлонга ер остидан қараб*). Унчалик ҳам катта хато эмас, шекилли.

Мавлон (*сохта кулиб*). Албатта... Хато эмас, тўғри... Мен хафа бўлаётганим йўқ. Нега хафа бўламан? Ашуладан ол, Қўзиев.

Қўзиев (*ашула бошлайди*):

Қон-қариндош халқлар ўсган Ватан ҳурмати.
Меҳнатимиз обод қилган гулшан ҳурмати...

Ҳамма қўшилади:

Авлодимиз ўйнаб-кулган чаман ҳурмати...

Мавлон (*бирдан қадаҳни кўтариб*). Таклиф бор. Мана шу пиёлани пахтани муддатидан олдин бажарган, зовурларни муддатидан олдин тозаллаган Деҳқонбой бригадасининг саломатлигига ичайлик.

Ҳафиза (*Мавлонни секин туртиб*). Нега ундоқ дейсиз!..

Деҳқонбой. Сизнинг бригадангиз, Мавлон ака...

Мавлон. Йўқ, бу ишлар бўлганда Мавлон касалхонада дори ичиб ётган эди. Мавлоннинг бригадаси янги ер очади, пландан ташқари янги ер очади!..

Раҳимжон (*Деҳқонбойга*). Мавлон аканинг ҳали ҳеч гапдан хабари йўқ.

Ҳафиза. Биз сизга мана шу тўғрида гапирмоқчи эдик.

Деҳқонбой. Биз пландан ташқари янги ер очиш масаласини ишлаб чиққанмиз. Правление тасдиқ қилади.

Қўзиев. Эрта саҳарда янги зовурлар қазигани далага чиқамиз...

Одилов. Шунақа, Мавлон ака, Деҳқонбой комсомолларни янги ҳужумга бошлаётибди.

Мавлон. Деҳқонбой? Бригадир бу ёқда қолиб, Деҳқонбой бошлайдими?

Деҳқонбой. Ҳозир тушунтираман, Мавлон ака... Биз ишни бедапояннинг нариёғидаги ботқоқликдан бошламоқчимиз.

Мавлон. Бедапояннинг нариёғи учинчи бригадага қарайди-ку?

Деҳқонбой. Агар кўплашиб шу ботқоқликни қуритсак, биринчидан, учинчи бригада очадиган янги ер яхлит бўлади; иккинчидан, колхоз чўлнинг бағридан икки гектар ер юлиб олган бўлади.

Одилов. Яхши таклиф...

Мавлон. Ҳмм... Яхши таклиф! (*Бирдан*.) Хўп, мен пландан ташқари уч гектар ер очаман!

Ҳафиза. Йўқ, тоға...

Мавлон (*бақириб*). Ўзингдан катта бир нима деганда тек ўтир!

Деҳқонбой. Мавлон ака, гап ҳозир пландан ташқари янги ер очиш тўғрисида кетаётгани йўқ, ишни қаердан бошлаш тўғрисида кетаётибди. Янги ер очиш тўғрисида бригада... сизнинг бригадангиз ҳам мажбурият олди. Пландан ташқари беш гектар янги ер очади.

Мавлон. Менинг бригадамми? Бу ҳам сенинг таклифингдир?

Деҳқонбой. Бунинг аҳамияти йўқ... Бригада рози.

Мавлон (*бақириб*). Бригадир рози эмас!

Раҳимжон. Қўрқманг, Мавлон ака, бригадангизда шундоқ йигитлар бўлгандан кейин беш эмас, олти гектар ҳам очасизлар. Қани, мана шу охирги пиёлани бригаданинг муваффақияти учун ичайлик!

Мавлондан бошқа ҳамма ичади.

Қўзиев. Ие, Мавлон ака... Ичинг!..

Мавлон. Қасалхонада узоқ ётиб дорини кўпроқ ичибман, вино кетмаётибди.

Ҳафиза (секин). Тоға...

Пауза

Одилов Мавлонга ер остидан тикилади.

Мавлон. Меҳмонлар ичишсин... Қуй, Қўзиев. (Киноя билан.) Тўй тўйдайд бўлсин!..

Қўзиев. Вино тамом бўлди, Мавлон ака!

Мавлон (туриб). Ҳозир бочкаси билан олиб келаман.

Одилов. Бас, Мавлон ака!

Мавлон бир тўхтаб яна чиқиб кетади.

Пауза

Раҳимжон. Безгак одамни шунақа инжиқроқ қилиб қўяди. Узига келиб қолар.

Одилов. Йўқ, Мавлон аканинг касали бошқа...

Салтанат киради.

Салтанат. Раҳимжон ака, ер тузувчилар келишди — бир; МТСдан иккита экскаватор келди — икки...

Ҳамма туради.

Одилов (Раҳимжонни тўхтатади ва бошқалар чиқиб кетгандан кейин). Мавлон ака билан бир гаплашиш керак, Раҳимжон ака. Айб ўзимизда, ернинг шўрини ювибмизу одамларнинг дилидаги эскидан қолган шўр-ни ювишга унча эътибор қилмабмиз...

Раҳимжон. Майли, гаплашинг, лекин хафа қилманг... Жон, ўртоқ! Яхши бригадир...

Одилов. Хўп.

Кичкина бочка кўтариб Мавлон киради.

Мавлон. Ие, қани меҳмонлар?

Одилов. Ер тузувчилар келишибди, экскаватор келибди... Идорага кетишди.

Мавлон. Деҳқонбойга уч-тўрт пиёла вино қуйиб берсам бўлар эди...

Одилов. Ешлар билан аҳил бўлинг, Мавлон ака. Булар Мирзачўлга зўр ниятлар билан келишган. Ғайратини кўрдингизми?

Мавлон. Деҳқонбойнинг ғайрати жойида... Лекин ўртоқ Одилов, той ирғишлайди-ю, аравани... (кўкрагига уриб) от тортади!

Одилов. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмайди.

Мавлон (дўнғиллаб). Мирзачўлга кеча келган жўжахўрозларнинг донғи чиқади!..

Одилов (кулиб). Деҳқонбой жўжахўроз, сиз хўрозмисиз?

Мавлон (Одиловга тик қараб). Мирзачўлнинг хўрозиман десам, ҳаддим сиғади! Уттиз беш центнер пахтани ким берди? Мен бердим! Мавлон акангиз берди!

Одилов. Ёлғиз ўзингиз бердингизми?

Мавлон (бир оз ўйлаб). Менинг бригадам берди.

Одилов. Ёлғиз ўзими?

Мавлон. Ҳа, ёлғиз ўзи! Мен ҳеч кимдан ёрдам сўраганим йўқ! Сўрамайман ҳам!

Одилов. Шундақами?

Мавлон. Шундоқ!

Одилов. Чирчиқ, Челябинскнинг ишчилари, Боқунинг нефтчилари билан Украинанинг ғаллакорлари, Донбасснинг шахтёрлари билан Уралнинг металлурглари, Москва, Тошкент олимлари сизга ҳеч қанақа ёрдам бергани йўқми?

Узоқ пауза.

Яхши эмас, Мавлон ака. Кўзга яққолроқ кўринай деб ўзингизни кўпчиликдан четга олманг. Ҳожати йўқ, бусиз ҳам колхозда ҳамманинг кўзи сизда; ҳамма иззат

қилади, қаттиқ сўз ўрни келганда ҳам аяйди, ҳам авайлайди... Буни билиш керак, тушуниш керак... Ундан кейин Деҳқонбой хато қилаётган бўлса, ётиғи билан тушунтиринг. Бақиршнинг ҳожати йўқ. Раҳбар томоғига зўр бердими, обрўйдан пугур кетгани бўлади. Трактор ҳам керосини тамом бўлиб қолса, пақ-пуқ қилади-ю, тўхтайди. Мирзаҷўлнинг хўрози бўлсангиз бордирсиз, лекин хўроз қичқирмаса тонг отмайди деб ўйлашингиз чакки... Хайр.

Одилов чиқиб кетади, Мавлон ўйлаб туриб вино қуяди ва нимоқчи бўлганида Ҳафиза, Деҳқонбой, Салтанат, Қўзиев киради.

Ҳафиза. Ҳали ётганингиз йўқми, тоға?

Мавлон. Сизларга қараб ўтирибман. Утиринглар. (Пиёлани Деҳқонбойга узатиб.) Сенинг таклифингни ўйлаб кўрдим. Бўлади!

Деҳқонбой (суюниб, пиёлани олади). Бормисиз, Мавлон ака! Албатта бўлади!

Мавлон. Лекин беш гектар эмас, уч гектар.

Деҳқонбой. Нега, Мавлон ака? Қолхоз бўйича пландан ташқари қирқ беш гектар янги ер очамиз. Бизнинг бригадамиз бошқа бригадаларга намуна бўлиши керак.

Мавлон. Сенга ётиғи билан гап уқдириб бўладими, йўқми? Янги ер нима эканини биласанми, ўзинг?

Деҳқонбой. Биламан.

Мавлон. Билмайсан!.. Беш гектар янги ер бригада бўйича ҳосилни камида ўн-ўн беш процент тушириб юборади.

Деҳқонбой. Чўлнинг бағридан бригадамиз беш гектар ерни юлиб олгани қолади-ку. Бу йилча туширса нима?

Мавлон. Туширса нима? Сенга ура-ура, чапак... Мен, бригадам бўйича центнер тушиб, ҳар йилги обрўйимдан маҳрум бўлай... Қизиқ бўлибди-да!

Салтанат. Сиз фақат ўз кўмочингизга кул торгар экансиз-да!

Мавлон. Сен, секретарь бўлсанг, машинкангни чиқиллат, бунақа гапларга аралашма!

Қўзиев. Ие, нега аралашмайди!

Деҳқонбой (мулоимлик билан). Йўқ, Мавлон ака, Салтанатнинг гапига тушунмадингиз. Биз фақат битта бригада, ҳатто колхоз тўғрисида эмас, бутун

мамлакат тўғрисида ўйлашимиз керак. Мамлакатда коммунизм қураётимиз.

Мавлон. Мен ўз бригадамни ҳаммадан олдин коммунизмга олиб чиқсам нима дейсан?

Қўзиев (файласуфона). Йўқ, Мавлон ака, битта миҳ билан иморат солиб бўлмайди.

Мавлон. Миҳ? Қим миҳ?

Деҳқонбой. Мен миҳ, сиз миҳ...

Мавлон (ирғиб ўрнидан туради). Қим миҳ?

Ҳафиза. Мен ҳам миҳ.

Салтанат. Мен ҳам миҳ.

Қўзиев. Ҳаммамиз ҳам миҳ. Сиз каттароқ миҳ...

Мавлон. Ҳа-ҳа! Мен миҳ бўлиб қолдимми?!

Деҳқонбой. Тушунмадингиз, Мавлон ака!

Мавлон. Ҳа-ҳа! Мен тушунмайдиган... миҳ! Занглаган миҳ ҳам дерсан ҳали... Хўш, у ёғимдан чўқиб, бу ёғимдан чўқиб нима қилмоқчисан? Мен бу обрўйни тер тўкиб топганман!.. Энди мен сенга занглаган миҳ бўлиб қолдимми? Қани, шу занглаган миҳни суғуриб кўрчи!..

Ҳафиза. Тоға!.. Деҳқонбой бошқа нарсга демоқчи эди!

Мавлон. Сендақа жўжахўрозга берадиган жияним йўқ!

Деҳқонбой. Ҳафиза эрга теккани келган эмас, колхозга келган!

Мавлон. Ҳа-ҳа, ҳали менга бутун колхозни қарши қилмоқчимисан?

Ҳафиза. Тоға, нима деяпсиз ўзингиз?

Мавлон (Ҳафизага). Сен эртага менинг участкамга чиқасан. (Деҳқонбойга.) Сен қаёққа борсанг, боравер, еримга йўлатмайман.

Ҳафиза. Мен комсомоллар участкасига чиқаман!

Мавлон. Шундоқми?.. Ундоқ бўлса, йўқол, чиқиб кет уйимдан. Сендақа жияним йўқ!

Ҳафиза. Тоға!..

Мавлон уйига кириб эшигини ёпиб олади. Ҳафиза эшик олди-дан йиғлаб қайтади.

Деҳқонбой. Хафа бўлманг, Ҳафизахон... Салтанатхон билан бирга турасиз.

Салтанат. Рост, ўртоқ, бизникида турасиз.

Ҳафиза (йиғлаб). Мирзаҷўлнинг шўри нима экан — трактор бор, сув бор; Одилов ака айтмоқчи,

одамларнинг дилидаги мана шу шўрни ювиш қийин-роқ.

Деҳқонбой. Бунақа шўрни ҳам ювиб ташлай-миз, Ҳафизахон, сиз бор, биз бор... Кўпчиликмиз!

Тонг ёриша бошлайди. Қўзиев чироқни ўчиради. Хор. Мирзачўл комсомоллари марши.

Қўзиев. Эшитаётибсизларми? Комсомоллар ишга чиқиб кетишаётибди.

Деҳқонбой (Ҳафизага). Эшитдингизми? Хужум бошланди. Юринг, Ҳафизахон!

Узоқдан ўтиб бораётганларга қараб ҳамма қўл силкитади ва хорга қўшилади. Чиқиб келаётган қуёшнинг қизғиш нури саҳнани ёритади.

Парда

ТўРТИНЧИ ПАРДА

Колхоз правлениеси. Бинонинг сўл қаноти — эшик олди баланд айвон. Вивеска «Янги ер» колхози. Унг томонда каттакон дераза. Ичкарида стол ва телефон. Деразанинг бир томонига почта қутиси қоқилган. Айвоннинг пастида стол, стуллар.

Деҳқонбой шотида. Ҳафиза айвоннинг панжарасида «Хуш келибсизлар, меҳмонлар» деб ёзилган алвонни қоқишмоқда. Яна бир алвон ерга ёйиб қўйилган. Салтанат алвонга чўтка билан хат ёзмоқда. Шу яқин ўртада оркестр туш машқ қилмоқда.

Ҳафиза. Салтанатхон! Салтанатхон!

Деҳқонбой. Ҳо, Салтанат!..

Салтанат (аранг эшитади). Ҳа!..

Ҳафиза (қоқишаётган алвонни кўрсатиб). Қаранг-чи!..

Салтанат. А? (Югуриб Ҳафизанинг олдига боради. Нима дейсиз?)

Ҳафиза (алвонни кўрсатиб). Қаранг-чи, тўғрими?..

Салтанат (қараб). Сал кўтаринг. (Туш машқ қилаётган томонга қараб). Ҳошим ака!

Ҳафиза. Ҳой, Қўзиев!

Деҳқонбой. Ҳошимжон!

Учаласи баравар қичқаради. Қўлида дирижёрлик таёқчаси. Қўзиев киради.

Қўзиев. Ҳой, машқ қилгани қўясизларми, йўқми?

Колхоз қизил байроқ олса... атрофдан делегациялар келса... Музикасиз иш битадими?

Салтанат. Идорани безатиш керак, лекин...

Қўзиев. Ҳаммаси ҳам керак, лекин...

Деразадан бошини тикиб, девордан «Идорада шовқин солилма-син!» деган лавҳани олади ва кўзга кўринадиган жойга осиб чиқиб кетади. Оркестр гумбурайди. Деҳқонбой алвонни қоқиб бўлиб шотини бир чеккага олиб қўяди. Одилов киради.

Одилов (оркестр томонга қараб). Салом, Ҳошимжон! Баракалла! Яхшироқ ўргат!

Деҳқонбой. Салом, Одилов ака. Қалай, яхши ясадибмизми?

Одилов. Уҳў, меҳмонларнинг келишига ҳамма нарса тахт-ку. Яшанглар. Ҳаммаларингни ҳам рассомлик мактабига юборсак бўлар экан.

Салтанат. Ҳаммамизни рассом қилмоқчимисиз? Мен агроном бўламан.

Деҳқонбой. Салтанатни кузда институтга юбормоқчимиз. Тайёрлик кўраётибди.

Одилов. Биламан, биламан. Раҳимжон ака бунақа секретарни қаёқдан топаман деб ҳалитдан ташвиш тортиб юрибди.

Салтанат билан Ҳафиза айвондаги гуллардан гулдаста қилиш билан машғул бўлади. Одилов билан Деҳқонбой стол атрофига ўтиришади.

Деҳқонбой. Механизация курсига борадиган комсомолларнинг рўйхатини туздик. (Рўйхатни беради.)

Одилов (рўйхатни кўздан кечирав экан). Салтанат! Мавлон акангга айтдингми?

Салтанат. Айтдим, тантанали мажлисга боролмайман, касалман дедилар.

Ҳафиза (Салтанатга). Тоғамнинг қилмишидан номусларга ўлади киши. Колхозда худди бегона одамдай бўлиб қолди. Тоғам билан аразлашиб қолганимни, сизникида турганимни аям билсалар борми...

Салтанат. Ёмон бўлади, кўп ёмон бўлади.

Деҳқонбой (рўйхатни кўздан кечиравётган Одиловга). Мавлон акани қандай қилиб йўлга солсак экан?

Одилов. Мавлон аканинг касали чўзилиб кетди. Манманлик, шуҳратпарастлик кўп ёмон касал бўлади. (Бошқа гапга кўчиб.) Мактабни қачон ясатасизлар?

Деҳқонбой. Раҳимжон ака майда-чуйда олиб келиши керак эди. Соат ўн иккида келади.

Машина гудоги эшитилади.

Одилов. Ана келди.

Плакат, қизил алвон ва бошқа нарсалар кўтарган Раҳимжон киради.

Раҳимжон. Мана, ҳаммасини олиб келдим.

Нарсаларни Ҳафиза билан Салтанатга беради. Булар нарсаларни идорага олиб киришади.

Олти соат машинадан тушмасам бўладими? (Одиловга.) Менга қаранг, бу нима гап ўзи: раис машинада юрса-ю, парторг пиёда юрса.

Одилов. Пиёда юриб ўрганганман... Бундан ташқари... машина одамни семиртиради.

Ҳафиза. (Деразадан қараб). Одилов ака! Мумкинми, бу ёққа киринг...

Одилов правлениега киради.

Раҳимжон. «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит». (Қорнини силаб.) Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. (Саҳнадан ташқаридаги шоферга.) Карим! Бор, гаражга бор, бугун пиёда юраман.

Товуш. Хўп, Раҳимжон ака.

Машина жўнайди.

Раҳимжон. Рост, семизроқман. Қандоқ қилай?! Деҳқонбой (ҳазиллашиб). Лағмонни камроқ енг.

Раҳимжон. Олти ойдан бери лағмон еганим йўқ. Лағмондан эмас, жоним роҳат қилганидан семираётиман. Сизлар келганда бир семирдим, планни муддатидан олдин бажарганимизда бир семирдим, пландан ташқари янги ер очиш масаласини... Э, яқинда раис эшикдан кирса қорни деразадан чиқадиган бўлади. (Оркестр гумбурлайди.) Уҳў!.. Ҳафсаласи жойида-ку! (Саҳнадан ташқарига.) Қўзиев, бир парда туш, меҳмонларни кар қиласан!

Одилов (идорадан чиқиб Раҳимжонга). Тезроқ бўлайлик, меҳмонлар келиб қолишади.

Салтанат билан Ҳафиза плакат, алвон, гул кўтариб идорадан чиқшади.

Деҳқонбой. Қани, мактабни ясагани биз билан ким боради?

Раҳимжон. Юринг, ўртоқ Одилов. Кетдик. Пиёда кетдик!

Одилов (дераза олдида келиб). Ҳозир, райкомга телефон қилай.

Раҳимжон. Телефон қилинг, айтинг. Тантанали мажлис соат еттида.

Салтанат, Ҳафиза, Раҳимжон чиқиб кетади.

Одилов (трубкага). Гулнор, райком... Райкомми? «Янги ер» колхозидан, Одиловман...

Оркестр гумбурлайди.

Йўқ, йўқ, тўйни ҳали бошлаганимиз йўқ. Оркестр репетиция қилаётибди. Ҳа, Қўзиев ташкил қилган оркестр...

Мавлон қовоғини солиб киради ва Одиловни кўриб дарҳол қайтади.

Тантанали мажлис соат еттида очилади. Илгарироқ келсангиз яхши бўлар эди. (Мавлонни кўриб.) Хўп, хўп... мен яна телефон қиламан. (Трубкани қўйиб, Мавлонни тўхтади.) Салом, Мавлон ака! Байрам билан қутлагани уйингизга бормоқчи эдим. Қалай, соғлиқ дурустми? Кечқурун мажлисга келасизми?

Мавлон. Йўқ, кечқурун безгак, безгак ангиз қилади.

Одилов. Кундузи далада тинмай ишлайсиз, на овқат маҳалини биласиз, на дам олишни; кечқурун безгак ангиз қилади... Кечалари-чи? Кечалари юрибсиз-ку...

Мавлон (хавотир олиб). Кечалари... баъзан дуруст бўламан... (Уйлаб.) Кечаси шолিপояга борган эдим.

Одилов. Шундоқми? Мен комсомоллар участкасига борган эдим, сизни ўша ерда кўрдим. Ерни айла-

ниб, синчиклаб кўриб юрган эдингиз. Қалай, комсомоллар қилаётган иш маъжул бўлдими?

Мавлон (*дўнғиллаб*). Ҳим... зовурни унчалик чуқур қазилмаса ҳам бўлар эди.

Одилов. Эндими? Шуни Деҳқонбойга илгарироқ маслаҳат бериш керак эди.

Мавлон. Менинг Деҳқонбойга тушиб қолган маслаҳатим йўқ. Мих «мени суғуриб ташла» деб калласини омбурга тикмайди.

Одилов. Мих можаросини эшитдим.

Мавлон. Мен мих!.. Арзимаган битта мих!..

Одилов. Гап арзимаган битта мих тўғрисида эмас, умумий қурилишимизда бригадангизнинг тутган ўрни тўғрисида кетган экан.

Мавлон. Занглаган мих!..

Одилов. Ҳа, шу хилда кета берсангиз занглайсиз. Деҳқонбойнинг гапига қулоқ солиш керак эди, ўйлаш керак эди.

Мавлон. Мен унинг гапини тўрт пулга олмайман!..

Одилов. Ишини, ишларини-чи? Комсомоллар участкасини кўрдингиз-ку... Деҳқонбой ҳали сизга қарашади ҳам.

Мавлон. Қуллуқ, қарашмай кўя қолсин.

Одилов (*кесатиб*). Касалсиз-ку, ахир... Деҳқонбой йиғим-терим вақтида қарашиб сизга обрў олиб берган эди.

Мавлон (*ўзича*). Деҳқонбой энди бу ёғимдан чўкиётибди!

Одилов. Менга қаранг, Мавлон ака! Касал бўлганингизда, чинакам касал бўлганингизда мен сизни ётишга, даволанишга мажбур қилган эдим... Кўзингизни очинг, Мавлон ака!.. Атрофга қаранг, комсомоллар келгандан бери ҳаммаёқ ёшариб кетди.

Мавлон. Ҳамма ёшарди, фақат Мавлон қариди... Чеккага чиқиб қолди...

Раҳимжон, Деҳқонбой, Ҳафиза, Салтанат киради.

Раҳимжон. Ёшлик хўп яхши-да, ўртоқ Одилов. Ут! Олов! Мактабни шундай ясатишибдики, жонинг роҳат қилади!.. Энди ўзимиз ясанайлик.

Одилов (*имо билан Мавлонни кўрсатиб*). Ясанамиз.

Ҳафиза, Салтанат, Деҳқонбой Мавлонга салом беришади, Мавлон индамайди. Салтанат билан Ҳафиза идорага кириб кетади.

Аввал баъзи масалаларни ҳал қилиб олайлик. Байроқни ким қабул қилиб олади, колхоз номидан ким гапирари? (*Мавлон чиқиб кетмоқчи бўлади*.) Қаёққа, Мавлон ака? Маслаҳат берсангиз бўлар эди.

Мавлон. Ҳим... ишим бор.

Одилов. Бориб ётасизми?

Мавлон. Складга бормоқчи эдим.

Одилов. Шундоқми?.. Хўп. Қайтишда кириш. Гапимиз чала қолди.

Мавлон чиқиб кетади.

Раҳимжон (*жаҳли чиқиб*). Складда нима қилади? Правление мажлисида менинг гапимга кирмадиларинг... Бари бир бир кун эмас, бир кун бригадирликдан олиб ташлаш керак бўлади.

Одилов. Қизишманг, Раҳимжон ака. Мавлон аканинг шундоқ бўлишига ўзимиз ҳам сабаб.

Раҳимжон (*тажанг бўлиб*). Мен нима қилибман!.. Менинг гуноҳим нима?..

Одилов. Мавлон ака танқид қилинса ҳай-ҳайлаб турар эдингиз.

Раҳимжон. Мавлон ака Мирзачўлда қанчадан-қанча ер очган, колхозда энг юқори ҳосилга эришган одам. Қани энди, бошқалар ҳам шундай галабаларга эришса...

Одилов. Тўғри, Мавлон ака — голиб. Лекин голибларни танқид қилиш керак эмас демоқчимисиз?

Раҳимжон. Мумкин, лекин...

Одилов. «Лекин»и йўқ. Голибларни танқид қилиш керак. Бунинг ишга ҳам, голибларнинг ўзларига ҳам фойдаси кўп: манманлик камроқ, камтарлик кўпроқ бўлади. Биз мана шуни эсдан чиқармаслигимиз керак эди.

Раҳимжон. Хўп, ўтган гапга саловат. Байроқни ким қабул қилиб олади?

Деҳқонбой. Байроқними?

Одилов (*Деҳқонбойга қараб*). Комсомолнинг таклифини эшитайлик.

Деҳқонбой. Мен айтсам... Эҳтимол ҳайрон бўларсизлар... Менимча, байроқни Мавлон ака қабул қилиб олсин...

Раҳимжон. Мавлон ака? Йўқ, бу одамдан менинг ихлосим қайтди! Қайтди ихлосим...

Одилов. Шошманг, Раҳимжон ака. Колхоз байроқни пахта учун олаётибдими?

Деҳқонбой. Пахта учун.

Одилов. Энг юқори ҳосилни Мавлон аканинг бригадаси олдими?

Раҳимжон. Мен йўқ деярманми?

Одилов. Деҳқонбойнинг фикрига қўшиламан.

Раҳимжон. Бу Мавлон акани танқид қилганингизми?

Одилов. Колхоз номидан гапиришни ҳам Мавлон акага топширайлик.

Раҳимжон (*бўғилиб*). Ўзларинг биласизлар... Мен ҳеч нарса демайман!.. Индамайман... Лекин индамаганим «йўқ» деганим.

Деҳқонбой. Менимча, Мавлон ака «мени тер тўкиб топган обрўйимдан маҳрум қилишмоқчи» деб ўйлаб юрибди. Вақти келганда танқид қилсак, вақти келганда, мана бунақа, иззатини жойига қўйсак кўзи очилади.

Одилов. Хўш, Раҳимжон ака, нима дейсиз?

Раҳимжон. Мавлон ака менинг қадрдон дўстим. Айтганларинг келсин. Майли. Салтанат, Мавлон акага айт, тайёрлансин.

Салтанат. Мавлон ака — бир. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Раҳимжон. Шошма, Салтанат! Мен кийиниб келгунча сен идорада ўтира тур. Ҳар эҳтимолга қарши... Бирон делегация келиб қолиши мумкин.

Салтанат. Ҳамма~~нинг~~нинг кийинасизлар, мен-чи? Ҳаммаёғим бўёқ...

Раҳимжон. Ҳатто Бурнингга ҳам бўёқ тегибди.

Салтанат. Вой... (*Бурнини артади.*)

Одилов. Салтанат, Мавлон ака келса айт, тура турсин.

Салтанат. Хўп, Одилов ака.

Деҳқонбой, Одилов, Раҳимжон, Ҳафиза чиқиб кетади. Оркестр гумбурайди. Қўзиев югуриб киради.

Қўзиев. Салтанат, жоним! Битта илтимос. Делегация келганда менга қўл силкигин. Делегацияни музика билан қарши оламиз. Хўпми?

Салтанат. Мен қаёқдан кўраман?

Қўзиев. Нима қилсак экан. (*Шотини кўриб қолади.*) Салтанат, ана шоти, томга чиқ!

Салтанат. Вой, секретарь правлениеда ўтиради-да, томда нима қилади?

Қўзиев. Том ҳам правлениенинг томи-да! Чиқ!

Салтанат шотидан томга чиқади.

Қалай, катта йўл кўринадими?

Салтанат (*шотининг учида*). Баралла кўринадим.
Қўзиев. Делегация кўриниши билан менга қўл силкигин.

Салтанат. Хўп!

Қўзиев (*оркестрга*). Оркестр! Тайёр туринглар!.. (*Чиқади.*)

Салтанат (*ашула айтади*).

Силкинади мажнунтол,
Шохларини эгиб ол.
Шундай замон келганда,
Сен ҳам иш кўрсатиб қол.

Мавлон киради. У ашула товуши қаёқдан келаётганини билмай аланглайди, ниҳоят Салтанатни кўриб қолади.

Мавлон. Салтанат! Салтанат! Сўфи азон айтадиган мезанани кўрганмисан?

Салтанат. Йўқ. Мавлон ака, айтган эдим-ку, умримда сўфини кўрган эмасман.

Мавлон. Мезанадан ҳам баландроққа чиқиб олисан.

Салтанат. Делегация келганини узоқдан кўрай деб чиқдим.

Мавлон (*шумшайиб*). Делегация... Уртоқ Одилов қаёқда?

Салтанат. Ҳозир келадилар. Мажлис соат еттида бўлади. Тайёрлик кўрармишсиз, Раҳимжон акам айтдилар.

Мавлон. Айтдим-ку, касалман, мажлисга келолмайман.

Салтанат. Вой, байроқни сиз қабул қилиб оласиз-ку. (*Ашула айтади.*)

Шундай замон келганда,
Сен ҳам иш кўрсатиб қол...

Мавлон (*ашула фонид*). Байроқ? «Сиз қабул қилиб оласиз?» Салтанат нима деярсан ўзинг?

Салтанат. Қизил байроқни колхоз номидан қабул қилиб оласиз, колхоз номидан сўзга чиқасиз! Тундундигизми? (*Ашула айтади.*)

Шундай замон келганда,
Сен ҳам иш кўрсатиб, қол...

Мавлон (*ашула фониди*). «Колхоз номидан сўзга чиқасиз?» Ким айтди, раис айтдимми?

Салтанат. Йўқ, раис қарши эди, Деҳқонбой акам таклиф қилди. (*Тағнаомуз*.) Деҳқонбой акам сизга яхшилик қилганлари қилган, пахтагизни йиғиб-териб бердилар — бир, правлениеда сизни ёқлаб гапирдилар — икки!.. Правлениеда сизни бригадирликдан бекор қилишмоқчи бўлганда Деҳқонбой акам, биласизми, нима дедилар? «Мен Мавлон акадан таълим олгани келганман, Мавлон ака илғор бўлади» дедилар. Одилов акам Деҳқонбойни ёқладилар (*ашула айтади*).

Шундай замон келганда,
Сен ҳам иш кўрсатиб қол...

Қўзиев (*товуши*). Салтанат, қараб турибсанми? Ҳеч ким кўринмаётимиди?

Салтанат. Йўқ, ҳали ҳеч ким кўринмаётимиди.

Қўзиев (*товуши*). Қатта йўлдан кўзингни олма.

Салтанат (*ашула айтади*).

Шундай замон келганда,
Сен ҳам иш кўрсатиб қол...

Мавлон (*ашула фониди*). Деҳқонбой таклиф қилди? (*Узича*.) Бу қандоқ бўлди? Тушимми, ўнгимми?.. (*Эслаб*.) «Ҳамма иззат қилади, қаттиқ сўз ўрни келганда ҳам...» «Деҳқонбой таклиф қилди?» (*Ҳайрон*.) Нима бўлаётимиди, ўзи? Нега бунақа бўлаётимиди? (*Кетмоқчи бўлади*.)

Салтанат. Мавлон ака, қаёққа? Одилов акам туратурсинлар деган эдилар.

Мавлон. Келаман, ҳозир келаман... «Деҳқонбой таклиф қилди?» Келаман, Салтанат, ҳозир келаман. (*Бирдан чиқиб кетади*.)

Салтанат. Нима бало... касалми... (*Ашула айтади*.)

Қизил гул толим-толим,
Меҳнати ширин болим...

Узоқдан машина гудоги эшитилади,

Машина! Машина! Ҳошим ака! Ана, бурилди!.. Делегация келаётимиди.

Оркестр гумбурлайди. Қаттакон тугун кўтарган Ҳамробуви, Холнисо, чамадон кўтарган Омон киради. Буларнинг оғзидан чиққан дастлабки сўзларни музика босиб кетади.

Ҳамробуви (*сўзида давом этиб*). Сизнинг гапингизга кириб қизимни, қизгинамни Мирзачўлга юборсам шу кунлар бошимга тушмас эди. Ўғлингиз мени шармандаю шармисор қилди! Тагин бу муздикони ортиқча!..

Омон. Жон хола, қўйинг энди...

Холнисо. Ким кимни шарманда қилганлиги ҳали маълум эмас, қуда! Кўрамиз ҳали...

Омон. Аяжон, бир гапдан қолинг.

Холнисо. Менинги ўғлим ёзган хатда бундоқ бало гаплар йўқ эди. Ҳафизанинги хатида ҳам йўқ эди-ку, ахир!

Салтанат кампирларга ҳайрон бўлиб қарайди.

Ҳамробуви. Жодугар ўғлингиз қизимнинг бошини айлантирган-да, нима ёзганини ўзи ҳам билмайди. Мавлоннинг, укагинамнинг хати кўзимни очди.

Холнисо. Яхшининг гапи мой, ёмоннинг гапи лой.

Ҳамробуви. И-и, қуда... йўқ, қўшни, шу гапингизга тагин ўзингиз лойдай бўлиб қолманг!..

Омон. Ая! Хола! Колхознинг идораси шу!

Салтанат (*томдан тушади*). Салом, меҳмонлар!

Холнисо. } Салом!

Омон. }

Ҳамробуви (*Салтанатга*). Колхознинг идораси шу бўлса, мен нима ҳам дейман, раисни йўқлайман. Раиси бўлмаса секретари бордир.

Салтанат. Мен, мен секретарь. (*Ҳаммага гулдаста тутади*.) Сизлар ҳаммадан аввал келдиларинг. Марҳамат, идорага киришлар, дам олинглар. Мен ҳозир раисни айтиб келаман. Сизлар қаердан, қайси колхоздан делегат бўлиб келдиларинг?

Холнисо. Қанақа делегат?

Омон. Делегат кутаётганмидиларинг?

Холнисо (*Ҳамробуви*). Айтинг, қўшни, нима учун келганимизни айтинг.

Ҳамробуви. Нима, айтмасдан тилим қисқами?

(Салтанатга.) Қўшнимга қолса, мен гапи инobatга ўтмайдиған, тушунмаған хотинман, лекин шундоқ бўлса ҳам, айтганим яхши: жодугар бор колхозга делегат келмайди. (Гулни Салтанатга қайтиб беради, Омонга телефонни кўрсатиб.) Ол, ана, чақир акагни! Чақир, жодугарни!

Омон (ранжиб). Телефон бунақа эски гапларга юрмайди!

Салтанат ҳайрон.

Холнисо. Вой, қуда...

Ҳамробуви. Қуда деманг!..

Холнисо. Вой, қўшни, аввал қизингизни чақиртиринг, гап сўранг, ундан кейин Деҳқонбойни чақиртиринг.

Ҳамробуви. Йўқ, мен аввал ўглингни чақиртираман, ҳамма гапни бетига шартта-шартта айтаман, ана ундан кейин... қизимдан гап сўраб ҳам ўтирмайман, қўлидан етаклайман-у, кетавераман! (Салтанатга.) Ҳой, секретарь, станцияга телефон қил, иккита билет деб қўй!

Салтанат (анграйиб). Бу телефон билетга юрмас эди-ку.

Ҳамробуви. Нега? Қолхознинг телефони бўлади-ю, билетга юрмайдими? Телефон қил, айт, иккита билет олиб қўйсин: менга, Ҳафизага!

Салтанат. Вой, Ҳафизахоннинг кими бўласиз?

Ҳамробуви (Холнисога). Эси борми ўзи бу қизнинг? (Салтанатга.) Ҳафиза менинг қизим бўлгандан кейин, мен унинг кими бўлар эдим? Онасиман-да!

Салтанат. Шундоқми? Сиз Холнисо холамдирсиз-да... Омонжон!..

Омон (хижолат бўлиб). Кечирасиз, ўзимизни танитмадик... Деҳқонбой акам яхшимилар?

Салтанат. Яхши... Қани, Ҳамробуви хола, қўйинг тугунингизни... Ҳозир айтиб келаман.

Салтанат югуриб кетади ва йўлда Қўзиевга тўқнаш келади.

Қўзиев (меҳмонларга томон югуриб боради). Салом! Хуш келибсизлар. Делегацияга оташин салом!.. (Оркестрга.) Оркестр, туш!

Оркестр гумбурайди. Салтанат ҳарчанд қилса ҳам Қўзиевнинг кулоliga гап кирмайди.

Бинокорлик бригадасининг бригадири, духовой оркестрнинг дирижёри Ҳошим Қўзиев!

Салтанат. Ҳошим ака дейман!

Ҳамробуви (Ҳошимга). Қизгинамни ўгли йўлдан урмаса, мени ўзи аврамаса қариган чоғимда шу кунларга тушмас эдим. Она-бола мени шарманда қилди; укамни, Мавлонгинани ерга қаратди. Ҳафизани шарманда қилди!

Қўзиев ҳайрон

Холнисо (Ҳошимга). Ким кимни шарманда қилганлиги ҳали маълум эмас. Уғлим ёзган хатда бундоқ бало гаплар йўқ эди. (Ҳамробувига.) Қизингиз ёзган хат ёмонмиди?

Салтанат (ҳайрон бўлиб қолган Қўзиевга). Ахир, булар делегация эмас!.. Юринг!

Қўзиев. А?! Шунақами?.. (Кампирларга.) Яхши эмас, ўртоқлар...

Иккови чиқиб кетади.

Ҳамробуви (шовқин солиб). Жодугар илму амал қилгандан кейин нима деб ёзар эди; яхши деб ёзди-да!

Холнисо. Вой, қуда... йўқ, қўшни, оғзингизга қараб гапиринг. Жодугар деб бир айтдингиз, индамадим. (Шовқин солиб.) Ким жодугар?

Омон. Ая! Хола! (Эълонни кўрсатиб.) Ахир буни нимага ёзиб қўйибди!..

Кампирлар шивирлаб даҳанаки жанг қилишади. Деҳқонбой югуриб киради.

Деҳқонбой Омон! Ука!.. Салом... (Даҳанаки жанг қилаётган кампирларни кўриб.) Буларга тағин нима бало бўлди?

Кампирлар Деҳқонбойни пайқашмайди. Деҳқонбой Холнисонинг олдига боради. Холнисо унга орқаси билан тургани учун кўрмай, уни Омон гумон қилади.

Холнисо. Қоч, Омон! Аралашма!.. Аралашма дейман!.. (Орқасига қараб, Деҳқонбойни кўради.) Вой, болам... (Деҳқонбойни қучоқлаб йиғлайди.)

Деҳқонбой. Онажонларим! Нечук шамол учирди?

Омон. Шамол эмас, самолётда учиб келдик.
Холнисо. Болагинам, мен поездда келадиган эдим, холанг самолётда бораман деганлариди кейин мен ҳам самолётда кела қолдим.

Ҳамробуви. Минг тушунган бўлсангиз ҳам самолётга мендан кейин чиқдингиз.

Деҳқонбой. Жуда яхши вақтда келдиларинг. (Ҳамробувининг олдига келади.) Бугун колхозимизда тўй.

Ҳамробуви. Мен тўйни поездда, қизимни жодугарнинг қўлидан эсон-омон қутқариб олиб поездга чиққанымда қиламан...

Омон (хайрон бўлиб қолган Деҳқонбойга). Ҳамробуви хола Мавлон акадан хат олдилар.

Деҳқонбой. Мавлон акадан?

Омон. Сизнинг тўғрингизда ёзибдилар.

Ҳамробуви (хатни бериб). Мана, ўқинг!.. Шуми ҳали сиздан келган иш! Шу умид билан сизни куёв қиламан деганмидим!..

Деҳқонбой (хатни ўқиб бўлиб Холнисога). Сиз ҳам шунга ишондингизми?.. Икковларинг Ҳафизани олиб кетгани келдиларингми?

Холнисо. Вой, болам, наҳот шундоқ десанг... Мен ахир агитатор-ку!.. Шу қуриб кетгур хатни олганимиздан бери холангга тушунтираман: «Ҳой, ишонманг» дейман. Ерда ҳам тушунтирдим, осмонда ҳам тушунтирдим...

Омон. Э, булар самолётда ҳам машмаша қилиб келишди.

Ҳафизанинг товуши: «Аяжон! Аяжон!»

Ҳафиза (югуриб киради). Хола!.. Омонжон! Ая! Аяжон!

Ҳамробуви. Ҳу турқинг қурмасин!..

Ҳафиза (хайрон қолиб). Нима бўлди?

Деҳқонбой (Ҳафизага хатни бериб). Хат...

ўқинг...

Ҳамробуви (туғунини кўтариб). Юр, олдимга туш! Туш олдимга!

Омон. Бугун поезд йўқ, хола!

Ҳамробуви. Поезд бўлмаса чўл-биёбонда ёта-миз. Кечани жодугар билан ўтказгунча илон-чаёнлар билан ўтказганимиз яхши. Нима қилиб турибсан? Юр дейман!

Деҳқонбой. Хола, Ҳафиза бу ерга фақат мени деб келгани йўқ, колхозга келган. Колхозда звено бошлиғи!

Омон. Мирзачўлда звено бошлиғи-я!
Ҳамробуви. Мен колхознинг ишига аралашмайман. Мен Ҳафизага — қизимга гапираётиман. Агар Ҳафиза «йўқ» дейдиган бўлса, ана унда аралашаман: дод солиб бутун идорани, Мирзачўлни бошимга кўтараман. Қани, гапир, Ҳафиза!

Ҳафиза. Мен ҳеч қаёққа кетмайман!

Ҳамробуви (шовқин солиб). А, тоғаннинг юзига оёқ қўйдинг, энди мени ҳам писанд қилмайсанми?! Ҳали шундоқми?.. (Чапак чалиб.) Войдод, қизимга илму амал қилган жодугарнинг дастидан дод!

Холнисо (шовқин солиб). Ким жодугар?!

Омон (эълонни кўрсатиб). Ая! Хола!..

Кампирлар шивирлашиб даҳанаки жанг қилишади. Одиллов киради.

Одиллов. Салом, меҳмонлар! Хуш келибсизлар!.. Қадамларига ҳасанот...

Омон (кампирларнинг қилмишидан хижолат). Салом... биз самолётда учиб келдик...

Одиллов. Ким кимнинг онаси бўлади (Ҳамробувига). Сиз Деҳқонбойнинг онасими?

Ҳамробуви (Холнисога ишора қилиб). Жодугарни ана у туққан.

Холнисо. Нима-нима?!

Омон онасига секин эълонни кўрсатади. Холнисо жим қолади.

Одиллов (Деҳқонбойга). Ўзи нима гап?

Деҳқонбой (хатни Одилловга беради). Ўқиб кўринг.

Раҳимжон, Қўзиев, Салтанат киради.

Раҳимжон. Уҳў... келинлар, келинлар... Салом! Хуш келибсизлар!.. Мана шунақа тўй устига тўй бўлса жонинг роҳат қилади! (Кампирларнинг авзойини кўриб.) Ие!.. Нима бўлди?

Одиллов. Мавлон ака хат ёзибди.

Раҳимжон. Қа-анақа хат?

Одиллов (ўқийди). «Деҳқонбой ўта-кетган жодугар экан... Мени бригадирликдан бекор қилдириб ўзи бригадир бўлиш пайига тушган; ҳар қаерда менинг обрўйимни тўкиб юрибди. Мени «занглаган мих» деди,

бугун колхозни менга қарши қилиб қўйди. Ҳафиза шунинг ноғорасига ўйнаб, менинг уйимдан чиқиб кетди. Қизингизни бетўхтов чақиртириб олинг».

Раҳимжон. Бай-бай-бай! Ҳай аттанг! Қани, ўртоқ Одиллов, сиз айтинг, шу гаплар ростми? Айтинг, Деҳқонбой.

Ҳамробуви. Албатта рост-да! Укам ёзади-ю, ёлгон бўладими!..

Одиллов. Бу хат бошдан-оёқ ёлгон, хола!

Ҳамробуви. Укам ёзганича бор экан-да. Деҳқонбой ҳаммани, сизни ҳам унга қарши қилиб қўйибди.

Мавлон киради ва қўлидаги хатни почта қутисига ташлаётганида кампирларни кўриб қолади.

Укам бўлади-ю, менга ёлгон гапни ёзадими? Уз жияни тўғрисида ёлгон гапни ёзармиди...

Мавлон. Елгон! (Олдинга чиқади.) Елгон гапларни ёзган эдим!

Ҳамробуви. А?.. (Шовқин солиб.) Ҳали шундоқми?..

Омон Ҳамробувига эълонни кўрсатади. Ҳамробуви жим қолади.

Мавлон. Мен Деҳқонбойни билмаган эканман. Деҳқонбой мени обрўйимдан маҳрум қилмоқчи деб ўйлабман. Ҳафиза кетса, Деҳқонбой ҳам кетади деган хаёлда шу ишни қилган эдим. Лекин кўзим очилди. Кечалари чиқиб комсомоллар участкасини кўрдим... ўйладим... бугун яна ўйладим... Деҳқонбой мени эмас, мен Деҳқонбойни хафа қилган эканман. Шундан кейин опамга бошқа хат ёздим, Мана (хатни чўнтагидан олади). Яшикка ташламоқчи эдим, ҳозир ташлагани келган эдим. Ма, Деҳқонбой, ўқи!..

Деҳқонбой. Ишонаман, яхши хат ёзганингизга ишонаман... Қўйинг, Мавлон ака.

Ҳамробуви. Бундан чиқдики, ёлгон гапларни ёзган экансан-да? Ҳали шундоқми!.. Ҳали сени қараб тур!

Мавлон. Шошманг, опа. (Деҳқонбойга.) Уқимайсанми? Биламан, биламан, уқимайсан... Ма, Ҳафиза, сен ўқи.

Ҳафиза. Кераги йўқ, уқимайман!..

Мавлон (хўрсиниб). Сен ҳам уқимайсанми?

Раҳимжон. Уқиб нима қилади? Гапингизни эшитиб турибмиз-ку...

Мавлон. «Йўлни билган қоқинмайди!» дейишар эди. Йўлни биламан деб ўйлаган эдим.

Одиллов. Йўлни биласиз, Мавлон ака, лекин кўзга яққолроқ кўринай деб шу йўлдан четга чиқдингиз. Боши берк кўчага кириб кетаётган эдингиз.

Мавлон (паузадан кейин). Ҳақ гап. Шундоқ экан, колхоз номидан байроқни қабул қилиб олишга менинг ҳақим йўқ, ҳақим йўқ, Раҳимжон! Колхоз номидан сўзга чиқишга ҳам ҳақим йўқ, ўртоқ Одиллов!

Одиллов. Мана бу гапингиз тўғри! Мана бу гапингизга мен тўла қўшиламан. Менимча, бошқалар ҳам қўшилса керак. Айтишин... Мана, Деҳқонбой айтсин... Ҳафиза...

Ҳафиза. Тоғам тўғрисида бир нима дейиш... менга жуда оғир... Яхши пахтакор, шунча йил Мирзачўлнинг шўрини пешона тери билан ювиб келган одам. Лекин ернинг шўрини ювибди-ю, дилидаги эскидан қолган шўрни юволмабди. Мен тоғамни колхозчи деёлмайман... (Ўпкаси тўлиб тескари ўгирилади.)

Деҳқонбой. Қизишманг, Ҳафизахон. Бир туп гўза қийшайиб қолса-ку дарров тикка қилиб қўямиз...

Ҳамробуви. Шира тушган гўзани юлиб ташлаш керак!

Раҳимжон. Яхши пахтакор юлиб ташламайди, кўпроқ парвариш қилади.

Қўзиев. Тўғри, Раҳимжон ака, мих ҳам эгилса, тўғрилаб яна қоқилади!

Раҳимжон. Э-э, михинг қурсин, қўйсанг-чи!.. Эсдан чиққан нарсани нима қиласан гапириб!..

Одиллов. Эсдан чиққан нарсани эслатиш, гапириш керак бўлган гапни гапириш зиён қилмайди. Шунга эслатмоқчиман: Мавлон ака, сиз кўпчиликдан олдинда, лекин кўпчилик билан бирга бораётганингизда ҳамманинг кўзи сизда эди. Аммо кўпчиликдан ўзингизни четга тортганингиздан кейин... мана, кўрдингизми! Хатойингизни тушуниб, шунга айтгани келганингиз яхши. Бу хатоларни, агар тезроқ тузатсангиз, кечиришар... лекин (хатни кўрсатиб) мана бу қилмишингизни осонликча кечиришмайди. Бу қилмишингизга ўзингиз баҳо беринг...

Мавлон. Баҳо бераман, айтаман. Колхозчиларнинг умумий мажлисида айтаман... Бригадирликка муносиб одам эмасман дейман!

Одиллов. Танқиддан қўрқманг, Мавлон ака. Қасалхонада ётиб ичган дорингиздан кўра майиз ширин-

роқ, лекин касални майиз эмас, аччиқ дора тузатади... Соат еттида тантанали мажлис бошланади, кийиниб келинг.

Мавлон (бошини қуйи солиб). Мажлисга киргани юзим чидамайди.

Раҳимжон. Э-э, ҳали иш кўп, Мавлон ака, ўзингиз бригадангизни хужумга бошлайсиз.

Мавлон. Хужумни ҳаммамиз бошлаймиз!.. Менинг бир мўлжалим бор: Деҳқонбой рози бўлса... комсомоллар хўп дейишса... Бу ёққа келинглари (кўрсатади). Ҳу анови зовурни юқоридан олиб ўтсак яна тўрт гектар янги ер очиш мумкин бўлади. Мен буни анчадан бери ўйлаб юрган эдим.

Одилов. Муҳокама қилиб кўринглари, Деҳқонбой. Хўп, Мавлон ака шу кунгача касал бўлиб касалхонада ётган эди, бугун аччиқ доридан тўйиб ичди, бундан кейин буткул тузалиб кетади деб ишонамиз.

Қўзиев (оркестрга). Оркестр! Туш!

Оркестр гумбуралайди.

Холнисо (Мавлонга). Шу хатнинг ёлғонлигини мен бошда билган эдим. (Ҳамробувиға.) Мана энди сиз ҳам билдингиз... Яна мenden кейин-да, жон қуда!..

Ҳамробуви. Майли, қуда, мenden ўтган бўлса, сиз кечиринг, сиздан ўтган бўлса, сиздан ўтгани йўқ-ку, мен кечирай.

Раҳимжон. Бугун кўп яхши кун бўлди-да: байроқ оламиз, Мавлон аканинг иситмаси тушди, холамлари келишди... Олти ойдан бери лағмон еганим йўқ, энди лағмонга бир тўйиб жоним роҳат қиладиган бўлди.

Одилов. Лағмонни Салтанат билан Қўзиевнинг тўйида еймиз.

Раҳимжон. Деҳқонбой билан Ҳафизанинг тўйида ҳам еймиз.

Ҳамробуви. Мен нима ҳам дейман? Мenden сўрасаларинг ҳам ўзларинг биласизлар, сўрамасаларинг ҳам ўзларинг биласизлар. Лекин, сўрамасаларинг ҳам, айтганим яхши: майли, мен розиман.

Ҳамробувининг тугунида соат жиринглайди.

Ҳафиза. Вой, сўфини олиб келганмидингиз? (Тугундан соатни олади).

Қўзиев. Қанақа сўфи?

Ҳафиза. Аям соатни сўфи дейдилар.

Ҳамробуви. Сўфи эсдан чиқса худо эсдан чиқади-я, болам. Сўфини бураб турмасдан бўладими!.. (Ҳафизанинг қулоғига.) Қизим, тўй дейишаётибди, сўзанангни тикиб бўлганмисан?

Ҳафиза. Сўзанамними? Йўқ, ая, ҳали тикиб бўлганим йўқ. Сўзанани якка ўзим тикаётганим йўқ, ҳаммамиз тикаётибмиз, бутун колхоз тикаётибди. Қаранг, янги очилган ҳар бир қарич ер шу сўзанага солинган бир гул. Бу жойлар яна уч-тўрт йилдан кейин қандай бўлишини кўз олдингизга келтиринг, онажон! Яна беш йилдан кейин, ўн йилдан кейин-чи?

Музыка. Музыка тобора авжига чиқади. Қоронғи. Саҳна аста-секин ёришади.

ЭПИЛОГ

Уфқдан чиқиб келган канал. Еш боғларни оралатиб солинган янги уйлар. Олдинги планда ёш боғ-ҳовли. Ҳаворанг дераза ва пушти пардали уй. Гулзор. Ҳамробуви билан Холнисо супада сўзана тикиб ўтиришади.

Ҳамробуви. Қудажон, бемалол бўлса ўша ҳаворанг ипакдан бир қатим беринг.

Холнисо. Жоним билан, ўргилай, қуда... Вой, дарров бир айлантириб чиқдингизми? Қўлингиз дард кўрмасин, хўп чеварсиз-да.

Ҳамробуви. Чеварликда сизга етиб бўладими, қудажон.

Пауза

Холнисо. Қирқ тўрт йиллик қадрдонимиз, қуда. Болаларимизни кўтаришиб катта қилдик. Мана, тўйини ҳам кўрдик... Эсингизда борми, Ҳафиза билан Деҳқонбой Мирзачўлга кўчиб кетамиз дейишганда икковимиз аввалбоши кўнмай... Хўп, гўл эканмиз-да... Мана энди миллионер колхозда... еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда...

Ҳамробуви. Юртни обод қиламан деган киши ўзи обод бўлади.

Холнисо. Шунини айтаман-да... Мана, Ҳафизахон... Қимсан Ҳафизахон!

Ҳамробуви. Деҳқонбойни айтмайсизми!.. Мана, Омнингиз ҳам мактабни битиради. Яна ўқийди, ўқиб кондуктор бўлади.

Холнисо. Кондуктор эмас, конструктор, қуда!
Ҳамробуви. Майли, нима бўлса ҳам ишқилиб
ўқисин!

Холнисо. Бу болалар мунча ҳаяллашди! Мажлис
чўзилдимми...

Омон (*кирди*). Мажлис тамом бўлди.

Холнисо. Нима гаплар бўлди, болам?

Омон. Деҳқонбой акам билан келинойим ҳозир ке-
либ маълумот беришади. Қисқаси шу бугун кечқурун
кетадиган бўлишди!

Ҳамробуви (*чўчиб*). А? Қаёққа? Шундай Мирза-
чўлни ташлаб қаёққа боришади?

Холнисо. Хўп эсарсиз-да, қудажон! (*Сўзанани
кўрсатиб*). Бу совғани олиб боришмоқчи эди?

Ҳамробуви (*кўнгли жойига тушиб*). Ҳа, Москва-
га!..

Раҳимжон, Одилов, Ҳафиза, чақалоқ кўтарган Қўзиев,
Деҳқонбой, Салтанат, Мавлон киришади.

Раҳимжон. Қани, совға битаёздими?

Холнисо. Битди ҳисоб!

Раҳимжон. Мен Ҳафиза билан Салтанат чевар
десам, сизлар булардан ҳам чевар чиқдиларинг.

Ҳамробуви. Сўзанани бутун колхоз тикди!

Одилов. Бу сўзана жонажон Москвамизга...

Раҳимжон. Гуллаб-яшнаётган республикамиздан
ҳикоя қилсин!

Ҳафиза. Шу сўзанадай товланаётган мамлақати-
мизда чўл-биёбонлар йўқолиб...

Қўзиев. Унинг ўрнига шаҳарлар, қишлоқлар бун-
ёдга келаётганидан ҳикоя қилсин!

Холнисо. Жонажон Москвамизга бахтиёр болала-
римизнинг...

Деҳқонбой. Пири-бадавлат оналаримизнинг...

Омон. Ака-опаларимизнинг.

Ҳамробуви. Миннатдорлик туйғусини...

Салтанат. Меҳр-муҳаббат туйғусини...

Мавлон. Чексиз садоқат туйғусини...

Ҳамма. Изҳор қилсин!

Парда

1950 йил